БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 83 (314)

27 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Колхозчилар! Меҳнат унумдорлигини оширингиз ва меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз! Фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини ўрганингиз ва ишлабчиқаришга кенг жорий қилингиз! Колхозларнинг жамоат хўжалигини янада мустаҳкамлашни ва ҳартомонлама ривожлантиришни, колхозларнинг даромадларини кўпайтиришни ва колхозчиларнинг фаровонлигини оширишни та'минлайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Чигит экишни тез ва сифатли тугаллаб, уни биртекис ундириб олайлик

Пахтакор районларнинг колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари қишлоқ хўжалик йилининг энг мас'улиятли даврини бошларидан кечирмоқдалар. Ҳозирги кунларда қишлоқ хўжалик ходимларининг бутун фикри-зикри чигит экишни тезлик блан сифатли тугаллаб, уни биртекис ундириб олишга, ҳамма майдонларда ғўза туплари агротехниканинг янги, прогрессив усули белгилаган миқдордаги қалинликда бўлишини та'минлашга қаратилгандир.

Бу йил кўкламги экиш алоҳида — қийин шароитда ўтказилмоқда. Чигит экиш ишлари тугалланабошлаганда ҳаво совиб қолди. Униб чиққан ғўзаларнинг бир қисмини совуқ урди, униб чиқмаган чигитнинг кўпи чириб кетди. Ёғингарчилик сабабли кўп ерларни қатқалоқ босиб, чигитнинг униб чиқишига тўсқинлиқ қилмоқда. Бу қийинчиликлар кўпгина колхоз ва совхозларда қилинадиган ишларни кўпайтириб юборди, вазиятни мураккаблаштирди.

Областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари иқлимнинг ўзгариб туриши, об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли юз берган қийинчиликларни усталик блан енгиб, тегишли агротехника тадбирларини моҳирлик блан амалга оширмоқдалар, бутун куч ва воситаларни чигитни қайта экишни тезроқ тугаллаб, уни бир текис ундириб олишга, ғўза туплари ривожланишини ва ҳосилини оширишга сафарбар этмоқдалар. Бу жиҳатдан Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхозда қилинаётган ишлар диққатга сазовордир.

Бу колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Тешабой Маматов) колхоз правлениеси блан биргаликда чигит экилган ҳамма майдонни текшириб чиқишни ташкил этди. Қайтадан экиш зарур деб ҳисобланган участкаларга тезлик блан чигит экилди. Қатқалоқ босган ерлар бороналанмоқда, трактор ва от культиваторлари, ҳамда қўл асбоблари блан юмшатилмоқда. Тепаликдаги қурғоқ пайкаллар суғорилмоқда ва ҳоказо. Энг муҳими шуки, колхозчиларнинг асосий қисми қайтадан экиш, ерни юмшатиш, суғориш ишларига сафарбар қилинган. Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси чигитни тез ва текис ундириб олиб, 10 майгача ғўзанинг биринчи парваришини тугаллаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Верхне-волинск район партия комитети Куйбишев номли ва «Қизил Октябрь» колхозларининг тажрибалари асосида ҳамма колхозларда қайта экиш ва чигитни биртекис ундириб олиш учун курашни пухта ташкил этмоқда.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ҳар гектар ерда ғўза тупларининг тегишли қалинликда бўлишини, пайкалларнинг бурчаклари, уват ёқаларида бўш жой қолдирилмаслиги катта аҳамиятга эгадир. Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги оқибатида совуқ урган ғўзаларнинг ўрнига, чигит чириб қолган участкаларда қайта экишни тезлаштириш мутлақо кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Қайтадан чигит экилиши зарур бўлган ерлар Янгийўл, Ўртасарой, Ўртачирчиқ районларида айниқса кўп. Бироқ, бу районларда қайта чигит экишни тез тугаллаш ва ғўзани текис ундириб олиш учун кураш пухта ташкил этилган эмас.

Ўртасарой районида иқлимнинг ўзгариши, об-ҳаво ноқулайлиги туфайли тугилган қийинчиликлар олдида эсанкираб қолиш каби зарарли кайфият юз берди. Экилган чигитнинг унишини синчиклаб текшириш ва зарур участкада қайта экиш ўрнига, бригада, звено бошлиқлари, колхоз раислари ва агрономлар кутиб туриш блан ғанимат вақтни ўтказиб юбормоқдалар. Ҳамма бригада ва звеноларда қийинчиликни енгишга кучларни сафарбар этиш ўрнига вахимага тушиб, қилар ишларини унутиб қўймоқдалар. Ба'зи колхозларда қайта экиш вақтида шошма-шошарлиқ қилиб, квадрат-уялаб экиш барбод қилинмоқда. Бу эса районда ғўза тупларининг тегишли қалинликда бўлишини ва қатор ораларини ишлашда механизациядан кенг фойдаланишни ҳавф остида қолдирмоқда.

Чигит экишни тугаллашнинг энг яхши муддатлари ўтиб кетмоқда. Бу аҳволга бефарқ қараб бўлмайди. Чунки, пахта ҳосилининг мўл бўлиши ва пахтанинг эрта етилиши эрта экишга боғлиқдир. Шунинг учун колхоз ва совхоз раҳбарлари, район партия ва совет ташкилотлари ноқулай об-ҳаво та'сиридан қаттиқ зарарланган участкаларни синчиклаб текшириб, қайтадан ёки қўшимча экиладиган далаларга, қаторлар ва ҳатто уяларга чигит экишни 1 Майдан қолдирмай тугаллашлари лозим.

Ба'зи колхозларда чигит экиш тугаллангандан кейин дала ишлари сусайтириб юборилди. Бу аҳволга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ноқулай об-ҳаво туфайли юз берган аҳволнинг ҳосилга та'сир этишига йўл қўймаслик учун шу кунларда ишчи кучи ва техника воситалари чигитни текис ундириб олишга қаратилиши лозим. Бунинг учун қатқалоқни тугатиш ҳамда қурғоқ ва тепаликдаги ерларни суғориш ишларини қизитиб юбориш зарур. Пахтадан мўл ҳосил олиш бутун майдонларда ғўза тупларининг қалин бўлишини талаб қилади. Бунинг учун ола чиққан жойларга кўчат ўтказишга алоҳида э'тибор бериш лозим. Шунга эришмоқ керакки, областьнинг бутун пахта далаларида 10 майгача ғўза қатор ораларини биринчи парвариш қилиш тамомлансин.

Шуни кўрсатиш керакки, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва сув хўжалиги бошқармаси ишида бу йил ҳам ўтган йилги хатолар такрорланмоқда. Бошқармаларнинг бошлиқлари Молчанов, Полвонов ўртоқлар қуйи ташкилотларга раҳбарлик қилишда бюрократизм ва сансалорликка ҳали ҳам барҳам берганлари йўқ. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси МТСлар ихтиёридаги техника воситаларидан унумли фойдаланишни та'минламаётир. Далада ишлаётган трактор бригадаларига техника ёрдами яхши уюштирилмаган.

Ҳавонинг совиб кетиши орқасида чигитнинг униши кечикиб қолди. Ба'зи ерларда чигитни ундириб олиш учун чигит суви бериш талаб қилиниб қолганда, энди машина-насослар сув чиқаришга, ба'зи иншоотлар сув қабул қилишга тайёр эмаслиги билиниб қолди. Сув хўжалиги бошқармасининг бошлиги ўртоқ Полвонов сув хўжалиги идораларининг оператив ишлашини та'мин этмаётир. Шунингдек «Облсельхозснаб» (бошлиги ўртоқ Осипов) ҳам чигитни экиш олдидан дорилаш учун зарур бўлган нарсаларни ўз вақтида етказиб бермаётир.

Кўкламги экишни қисқа муддатда тугаллаш ва чигитни биртекис ундириб олишни та'минлашга кенг колхозчилар оммаси ва МТС ҳамда совхоз ишчиларини тўла сафарбар этиш учун партия ва совет ташкилотлари колхозчи ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишни ҳарқачонгидан ҳам қизитиб юборишлари лозим. Колхозчи ва совхоз ишчилари ўртасида юқори ҳосил учун бошланган социалистик мусобақани кенгайтириш, дала ишларини бутун чоралар блан қизитиш, меҳнат унумдорлигини ошириш зарур. Шунга эришмоқ керакки, қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси бутун майдонларда чигитни текис ва тез ундиришга тегишли ҳисса қўшсин. Қишлоқ коммунистлари ва комсомоллар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашнинг олдинги сафида борсинлар.

Коммунистик партия етакчилигидаги совет кишилари енгаолмайдиган ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Шубҳа йўқки, областимизнинг ватанпарвар колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари ноқулай об-ҳаво шароитида вужудга келган қийинчиликларни муваффақиятли равишда енгадилар ва мамлакатга мўл пахта ҳосили етказиб бериш тўғрисида олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажарадилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май муносабати блан чиқарган Чақириқлари халқимиз ўртасида социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун сиёсий активлик ва меҳнат соҳасидаги ғайратни ошириб юборди. Чақириқнинг қуйидаги сўзлари кенг пахта майдонларида жаранглаб эшитилмоқда:

— Қишлоқ хўжалик ходимлари! Социалистик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма тормоқларини кенг миқ'ёсда юксалтириш учун курашингиз! Ер майдонларидан ва колхозлар ҳамда совхозлардаги мавжуд резервлардан планлаштиришнинг янги тартиби асосида яхшироқ фойдаланингиз! Мамлакатга кўпроқ ғалла, гўшт, сут, жун, пахта, зиғир толаси, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берайлик!

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми 1955 йил 25 апрельда СССР Министрлар Советининг СССР блан Эрон ўртасида чегара ва молия масалаларини ҳал этиш тўғрисида 1954 йил 2 декабрьда Теҳронда имзоланган Битимни ратификация қилиш ҳақидаги таклифини муҳокама қилди.

СССР Олий Совети Президиуми мажлисида Битим ҳақида СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов доклад қилди.

Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. А. Суслов ахборот бериб, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссиялари Битимни ма'қуллаганликларини ва СССР Олий Совети Президиумига бу Битимни ратификация қилишни тавсия этганликларини айтди.

СССР Олий Совети Президиуми В. М. Молотовнинг докладини ва Иттифоқ Совети ҳамда Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг хулосасини муҳокама қилиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Эрон ўртасида чегара ва молия масалаларини ҳал этиш тўғрисида 1954 йил 2 декабрьда Теҳронда имзоланган, СССР Министрлар Совети тасдиқлаган ва Ташқи ишлар комиссиялари ма'қуллаган Битимни ратификация қилди.

1 Майни меҳнатда янги ғалабалар блан кутиб олайлик!

☆

Мусобақа натижалари

Шу кунларда областимиз саноатининг ҳамма тормоқларида партиямиз Чақириқларига жавобан маҳсулот ишлабчиқаришни ошириш, унинг сифатини яхшилаган ҳолда таннархини камайтириш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда.

И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати иш фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари улуғ байрамни планга қўшимча равишда 600 минг галтак ип ва 400 минг калава мулине ишлаб чиқариш блан кутиб олишмақсадида астойдил курашмоқдалар. Илғор иш методларини кенг қўлланиб, нуқул а'ло сифатли маҳсулот берафтган В. Горелова, А. Овчарова, В. Налеткина сингари бешйиллик илғорлари тинчлик вахтасида туриб, бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Барча цех, участка ва сменаларда ўзаро мусобақа қизитиб юборилиши натижасида фабрика бўйича апрель ойининг биринчи ярми юқори кўрсаткичлар блан якунланди.

А. НАБИХУЖАЕВ, Р. НУРМАТОВ.

* * *

Куйичирчиқ районидаги Гул жут-канап заводида ишлабчиқаришни бир me'ёрда ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Квартал планини ялпи маҳсулот бўйича 114,6 процент бажарган бу илғор коллектив апрель ойи топшириғини муддатидан илгари бажарди. Айниқса, тўқимачилик саноати учун зарур бўлган узун тола ишлаб чиқариш тез сур'ат блан оширимоқда. Шу йилнинг ўтган 3 ойи ичида узун тола тайёрлаш планда белгиланганидан 28,3 процент оширилди. А. Абдуваффоров бошчилигидаги цехда эса қариб 50 процент оширишга эришилди.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

* * *

Мирзачўл шаҳридаги «Труд» артели шаҳар аҳолисини қурилиш материаллари, турли кийим-кечаклар ва рўзғор буюмлари блан та'минлашда катта ҳисса қўшмоқда. Квартал топшириғини 147 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлган артель коллективи апрель ойи планини ҳам муддатидан илгари адо этиб, ҳозир май ойи ҳисобига маҳсулот бермоқда. Винер ва Резанова ўртоқлар бошчилигидаги тикув цехлари ойлик ва ўнкунлик топшириқларни бирярим ҳиссадан бажармоқдалар.

А. МАМАЖОНОВ.

* * *

Тошкент шаҳар, трамвай-троллейбус трестига қарашли 1, 2-нчи ва 3-нчи депо коллективлари бешинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Трест деполарининг коллективи пассажир ташиш юзасидан белгиланган ойлик топшириқларни ортиғи блан бажармоқдалар. Вожатийлардан М. Карпова, Х. Нуриева, Е. Гушина ва кондукторлардан А. Юсупова, Е. Суторина, М. Бобожонова ўртоқлар пассажирларга маданий хизмат кўрсатиш блан бирга кунлик нормаларни ошириб бажармоқдалар.

Шу кунларда деполар коллективи майолди социалистик мусобақасига қўшилиб, трамвай ва троллейбусларнинг юриш тезлигини ошириш ва пассажирларга маданий хизматни тобора яхшилаш учун курашмоқдалар.

М. ЗИЁМУХАМЕДОВА.

☆ ☆

Чирчиқлилар меҳнат вахтасида

Шу кунларда Чирчиқ энергетиклари, химиклари ва машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг 1 Май муносабати блан чиқарган Чақириқларидан руҳланиб, байрам шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Ўтган уч ой мобайнида шаҳар бўйича белгиланган пландан ташқари бирнеча минг киловатт соат электр энергияси, кўпгина минерал ўғит, пойафзал ишлаб берилган эди. Бу илғор корхоналар коллективлари партия Чақиригига жавобан корхонада маҳсулот ишлабчиқаришнинг бир me'ёрда юксалишига эришиш учун, ички резервлардан тўла фойдаланиш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юбориш натижасида апрель ойининг икки декадасини ҳам муваффақият блан якунладилар.

«Чирчиксельмаш» заводи ишчилари ва инженер-техниклари ҳам цехлар, смена ва бригадалар ўртасида майолди мусобақасини тобора қизитиб, пахтакорлар учун турли машина, узел ва запас қисмлар ишлаб беришни кўпайтирмоқдалар. Март ойи топшириғини ялпи маҳсулот бўйича ҳам, товар маҳсулот бўйича ҳам бажарган машинасозлар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун қат'ий кураш олиб бориш натижасида апрель ойининг ўтган 20 кунида ойлик топшириқнинг 65 проценти миқдорида машина ва узеллар ишлаб бердилар. Цехлараро социалистик мусобақада 6-нчи ва 3-нчи цех ишчилари олдинда бормоқдалар. 3-нчи цехдаги Маннон Раҳимов бошчилигидаги бригада смена топшириғини 2,5—3 ҳисса ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

З. ИСРОИЛОВ.

Прокатчиларнинг фидокорона меҳнати

«Ташкенткабель» заводининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1955 йил 1 Май муносабати блан чиқарган Чақириқларини баланд руҳ блан кутиб олди. Корхона цехларида социалистик мусобақа янада қучайиб кетди. КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларига бағишланган суҳбатда прокат цехининг энг яхши петельшчиги В. Глебов бундай деди:

Цехимиз коллективи майолди мусобақаси кунларида топшириқни кун сайин ошириб бажармоқда. Биз ой охиригача апрель ойи планидан ташқари 250 та мис катанка ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Бу социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Прокатчилар ўз мажбуриятларини шараф блан бажармоқдалар. Улар ҳозирдаёқ апрель ойи топшириғидан ташқари дастлабки 100 тонна маҳсулот ишлаб чиқардилар. Меҳнат унумдорлиги март ойидагига нисбатан 15 процент ошди.

Прокат цехининг кўпгина ишчилари, масалан петельшчиклар В. Глебов, М. Васильев ва П. Сайфуддинов, нагревальщик В. Коломиец, слесарь М. Кулаков, старший ишчи И. Кубасов майолди меҳнат вахтаси кунларида нормаларини бир ярим-икки бараваргача ошириб бажармоқдалар.

(ЎзТАГ).

Шахтёрлар ғайрати

Оҳангарон шахтёрлари 1 Майни меҳнат соҳасида муносиб совғалар блан кутиб олиш учун ўзаро мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Мусобақада тинчлик вахтасида туриб ишлаётган кўмир разрезининг 416-нчи экскаватор механизаторлари олдинда бормоқдалар. Илғор машинистлардан Х. Алиқулов, Н. Болтабоев, Е. Сафрошин, Н. Сивак, Н. Халилов ўртоқлар ўз агрегатларини доимо а'ло даражада тутиш ва иш соатининг ҳарбир минутидан унумли фойдаланиш натижасида смена нормасини систематик равишда 140—150 процентдан бажариб келмоқдалар. Ёш механизатор Н. Халилов ҳар сменада планга қўшимча 300—350 тоннадан кўмир қазимоқда.

Кон устини очиш разрезининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ҳам иш сур'атини кун сайин оширмоқдалар. Разрез механизаторлари ишни рационал ташкил қилиш ва мавжуд техникадан унумли фойдаланиш натижасида ҳар куни пландан ташқари юзлаб кубометр тупроқ чиқармоқдалар. С. Серебряков, И. Миронов, Н. Дубовский сингари илғор экскаваторчилар иш унумдорлигини бортан сари ошириб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Шунингдек, «Ўзбекуголь» трестининг транспорт ходимлари ҳам локомотивлар оборотини тезлатиш ва оғир юкли составлар сонини кўпайтириш учун курашмоқдалар. К. Морозов ва И. Суликов ўртоқлар бошчилигидаги паровоз бригадалари ойлик ва квартал топшириқларини 150 процентдан ошириб бажармоқдалар.

Я. ПАВЛОВ.

Маккажўхори текис униб чиқди

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорида руҳланган Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхознинг пахтакорлари чигитни янги, прогрессив усулда квадрат-уялаб ва торқаторлаб экишни қизғин олиб бориш блан бирга жамоат чорвачилигини ҳам ривожлантиришга алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Колхоз а'золари маккажўхоридан бир мавсумда икки марта ҳосил олиш учун бу экинни барвақт экиб олдилар. Улар планда кўрсатилган ҳамма ерларига маккажўхорини квадрат-уялаб экдилар. Дастлабки экилган ерларда маккажўхори қийғос униб чиқабошлади. С. Юнусов бошлиқ бригада а'золари экиш даврида механизациядан унумли фойдаландилар, барча ерлардаги маккажўхорини биртекис ундириб олишга эришдилар. Бригада а'золари маккажўхоридан мўл ҳосил олиш мақсадида далага кўплаб маҳаллий ўғитларни ташиб чиқармоқдалар. Ҳозир улар униб чиққан маккажўхорини дастлабки парваришига киришдилар.

О. ИСМОИЛОВ.

☆



Тошкентдаги Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи ишчилари байрам шарафига меҳнат вахтасида туриб, иш унумдорлигини тобора оширмоқдалар. **Суратда:** кундалик нормасини 2,5—3 ҳисса бажариб келаётган тезкор токарь **Р. Фатхуллин** иш устида.

А. Палехов фотоси.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИГА ИМЗО ТЎПЛАШ

Тинчликни амалий иш блан мустаҳкамлайлик

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига қўйилган юз миллионларча имзолар атом энергиясини одамларни кўплаб кириш мақсадида қўлланишга қарши айтилган қудратли овозлардир. Барча халқлар, бутун совет жамоатчилиги бу Мурожаатни қизғин қувватламоқдалар. Совет ишчилари, колхозчилари, жамоат арбоблари ва интеллигенциясы ўз орзу-истаклари ва мақсадлари ифодаланган бу тарихий ҳужжатга қўл қўяр экан, эртаги кунинг бугунгидан ҳам фаровонроқ, қувончлироқ бўлишига ишонадилар. Улар тинчлик вахтасида ишлаб, халқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларини тез сур'ат блан ривожлантириш учун астойдил курашмоқдалар.

Ўзбек металлургиси ҳам бу курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Заводимиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари мамлакатимиз халқ хўжалиги асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни тинчлик ривожлантириш истаги блан яшамоқдалар, ишлабчиқаришда тезкорлик методини кенг қўлланиб, пўлат ва прокат ишлабчиқариш бўйича ойлик ва квартал планларини ошириб бажармоқдалар. Аъзамат ишчиларимиз уруш тарафдорларининг мудҳиш ниятларини чиппакка чиқариш учун урушдан кейинги иккинчи бешйиллик программани муддатидан олдин бажариш ва Ўрта Осиё машинасозлик заводларига кўпгина қўшимча пўлат ва прокат етказиб бериш мақсадида тинчлик вахтасида туриб, ўзаро мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

Ҳ. ҒАНИЕВ,

Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат қуючиси.

Урушга йўл қўймаймиз!

Америка империалистлари янги жаҳон урушини бошлаб юборишга зўр бермоқдалар. Улар тинчликсевар халқларнинг тинчлигига ва осойишталигига атом бомбалари блан таҳдид қилаётирлар.

Империалистлар уруш келтириб чиқарадиган даҳшатлар, вайронгарчиликлар, қурбонлар блан асло ҳисоблашмайдилар. Уларнинг мақсади фақат пул, бойлик тўплашдангина иборат, холос. Улар жаҳонга ҳукмронлик қилишни ҳаёл қиладилар.

Бироқ, империалистлар ўзларининг қабиҳ ниятларига эришаолмайдилар, чунки ер юзидаги барча тинчликсевар халқлар янги жаҳон урушига асло йўл қўймайдилар. Бу халқлар бахтли, фаровон ҳаёт кечиришни истайдилар ва бунга албатта эришадилар.

Мен кўпдан буён ёш авлодни коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш ишига ўз ҳиссамни қўшишни орзу қилиб келар эдим. Менинг бу орзум рўёбга чиқди. 1954 йилда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетини битириб чиқдим. Ҳозирда эса ўрта мактабда ўқитучи бўлиб ишламоқдаман.

Мен совет ёшларини ўқитиш, уларга фан асосларини ўргатиш йўлида ҳормайтолмай меҳнат қиламан. Ўқучиларнинг билимдон, ватанпарвар бўлиб етишишларига ёрдам бераман.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатини Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари блан биргаликда мен ҳам қизғин қўллаб-қувватлаб, бу Мурожаатга биринчилар қаторида имзо чектим. Чунки бу Мурожаатда халқларнинг энг юксак орзуси—тинчликка бўлган интилиш акс этдирилгандир.

М. ИСМОИЛОВА,

Тошкент шаҳар, Сталин районидаги 59-нчи мактаб ўқитучиси.

Тинчлик учун имзо чекдилар

Верхне-волинск районидаги Сталин номли 1-нчи ўрта мактабда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши хавфига қарши чиқарган Мурожаатига имзо тўплаш муносабати блан мактаб ўқитучилари ва ўқучиларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тинчликка қаратилган Мурожаат ўқиб эшитдирилди. Сўнгра ўқитучи ўртоқ У. Очилов тинчликка имзо чекиш кампаниясининг Ватанимизда қизғин гуе олганлиги ва унинг катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида сўзлади.

10-нчи синф а'лочи ўқучиси М. Расулматов мактаб ўқучилари номидан бундай деди:

— Барча совет кишилари каби биз — ўқучилар ҳам бутун дун'ёда тинчлик бўлишини истаймиз. Шунинг учун ҳам Мурожаатни якдиллик блан қўллаб-қувватлаймиз ва унга ўз имзомизни қўямиз. Ўқишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

А'лочи ўқучилардан Қ. Қосимов, Е. Саидметова ва бошқалар ҳам чиқиб сўзладилар. Шундан сўнг 300 га яқин киши Мурожаатга имзо чекди.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилайлик

Ўз территориясида В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, цемент заводи, Фарҳод гидроэлектростанцияси ва бошқа саноат корхоналари бўлган социалистик Бекобод шаҳри йилдан-йилга кенгаймоқда ва обод бўлмоқда.

Шаҳар саноат корхоналари ўтган йили давлат планини муваффақият блан бажардилар. Шаҳар экономикасининг тараққий этиши блан аҳолининг маданий ва маиший эҳтиёжлари ҳам ортмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилашга, шаҳарни ободонлаштиришга жиддий эʼтибор бермоқда. Ободончилик масалалари ижроком мажлисида ва сессияларда мунтазам равишда муҳокама қилинаётир.

Ижроия комитетда ва сессияларда муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлашда доимий комиссиялар ва депутатлар актив қатнашмоқдалар. Улар шаҳарни ободонлаштиришда, кўкламзорлаштиришда, санитария жиҳатидан тартибга келтиришда ижроия комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Коммунал хўжалик ва ободончилик доимий комиссиясининг яхши ишлагани сабабли шаҳар корхоналарининг ёрдами блан 3500 кубометр шагал ташилиб, 13500 километр йўл ремонт қилинди.

Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришда шаҳар аҳолиси актив иштирок этди. 1954 йилда шаҳарни тозалаш учун 10 марта якшанбалик ўтказилди. Бу йил шаҳар ижроия комитети аҳолига қарата махсус варақа чиқариб, шаҳарни кўкламзорлаштиришда актив қатнашишга, 100 минг дарахт ўтказишга чақирди. Шаҳар аҳолиси бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ҳозир 80 мингдан ортиқ дарахт ўтказилди.

Шаҳар совети ободончилик ишлари, капитал ва жорий ремонтга ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш учун курашади. Ўтган йили ободончилик ишларига ажратилган 964 минг сўм маблағдан тўла фойдаланилди, капитал ва жорий ремонт учун ажратилган маблағдан ҳам максимал даражада фойдаланик. Бунинг натижасида 10500 квадрат метр йўл, 3870 квадрат метр тротуар қуришга, кўчаларни ёритиш учун 520 электр точкалари ўтказишга муваффақ бўлик, 2 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун маҳаллий ва кооператив саноати бўйича 1954 йили 2 та маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишга туширилди, 113 автомашинали автобаза ташкил этилди. Металлургларда шаҳарчасида 300 ўринли қишқи клуб, намунали чойхона қурилди. Бекобод савдо бўлимига қарашли 1-ночи ошхона ўз ишини қайтадан бошлади, 3 та янги сартароошхона очилди.

Савдо ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Нон комбинати реконструкциялаштирилди, нон-булка маҳсулотларининг ассортименти кўпайтирилди, ҳозир бугдой унидан обинон тайёрлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Коммунистик партиямизнинг совет кишиларининг соғлиғи тўғрисида қилаётган қатта ғамхўрлиги туфайли шаҳаримизда соғлиқни сақлаш муассасалари йилдан-йилга кенгаймоқда, уларнинг аҳолига кўрсатаётган хизмати яхшиланмоқда. Шаҳарда қон қуйиш пункти, вассерманизация станцияси, болалар сут кухняси барпо этилди, шифолаш муассасаларидаги жойлар 50 та ўринга кўпайди.

Меҳнаткашларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишда маҳаллий ва кооператив саноати корхоналарининг роли катта. Шаҳар ижроия комитетининг ташаббуси блан металлургларда шаҳарчасида шаҳар саноат комбинати бўйича металл буюмларини ремонт қилиш устахонаси, қамиш буюмлари тайёрловчи қўшимча бир точка ташкил этилди.

«Иттифоқ» артели йўли блан оммавий кийимлар тикиш цехи қурилди, шахсий буюмлар тикиш цехи кенгайтирилиб, ундаги машиналарнинг сони 22 га етказилди. Ундан ташқари соатсозлик устахонаси, этикдўзлик цехи ташкил этилди. «Иттифоқ» артели 1955 йилнинг ўтган даври мобайнида мебель, радиоприёмниклар ремонт қилиш устахоналарини очди.

Аммо саноат комбинати ва «Иттифоқ» артели мавжуд ишлабчиқариш кучидан тўла фойдаланмаётирлар, ишлабчиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли ва ассортименти кўп бўлиши учун етарли даражада курашмаётирлар.

Ҳозирги кунда ўнйиллик мактаб биноси, ҳаммом, гишт заводи, металлургларда шаҳарчасида 110 ўринли болалар яслиси, 2 та озиқ-овқат магазини, колхоз бозори, металлургларда Маданият уйи қурилмоқда. 1955 йилнинг иккинчи ярмида ўнйиллик мактаб биноси ва цемент заводи шаҳарчасида 75 ўринли, асботруба заводида 50 ўринли болалар боғчалари қуриш ишига киришилади.

Шаҳарни ободонлаштиришда, меҳнаткашларга модний ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳали қилинмаган ишлар кўп. Бу соҳада ижроия комитетининг ишида анчагина камчиликлар ҳам бор. 1953 йил 5 ноябрьда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бекобод шаҳар ижроия комитетининг «Шаҳар меҳнаткашларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ишлари ҳақида»ги ҳисоботини эшитиб, шу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Шаҳар ижроия комитети бу қарорни тўла амалга оширишда етарли қатʼиятлик кўрсатмади. Министрлар Совети эса ўз қарорининг бажарилиши учун шаҳар ижроия комитетига етарли ёрдам кўрсатмади. Шу сабабларга кўра қарорда белгиланган бир қатор тадбирлар амалга оширилмай қолиб кетди.

Шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, область ижроия комитети аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал қилиш блан жиддий шуғулланмади. Шаҳарда шу пайтгача яхши жиҳозланган қишки кино-театр, меҳмонхона ва водопровод йўқ. Шу сабабли ҳам ижрокомга аҳолидан, шаҳарга келучи меҳмонлардан танбеҳ ва шикоятлар кўплаб тушмоқда. Биз меҳнаткашларнинг бу қонуний талабларини қондиришимиз керак. Шаҳарнинг қайта қурилаётганлиги сабабли коммунал хўжалигининг уй-жойлар фонди камайиб кетмоқда. Шундай бўлишига қарамай уй-жой қурилишига кам маблағ ажратилмоқда. Область коммунал хўжалик бўлими қурилиш ишларини материаллар блан таʼмин этиш соҳасида қониқарсиз ишламоқда. Масалан, цемент ва гиштнинг йўқлиги сабабли ҳаммом қурилиши тўхтаб қолди. Область коммунал хўжалиги ҳаммомга керак бўлган ускуналарни юбориш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётир.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (министри ўртоқ Зиёмов) ва область савдо бўлими (мудири ўртоқ Аминов) шаҳар аҳолисини кенг истеʼмол ва озиқ-овқат моллари блан таʼминлашни янада яхшилаш соҳасида амалий иш ўрнига қоғозбозлик блан шуғулланмоқдалар. 1954 йилда шаҳар савдо бўлимига Савдо министрлиги ва область савдо бўлими 1355 та хат юборган бўлса, бу йилнинг фақат биринчи икки ойида 230 хат юборди. Бу ташкилотлар молларни ўз вақтида юборматётган муассасаларга нисбатан ҳеҳқандай чора кўрмаётирлар. Қурилиш материаллари блан етарли таʼмин этиш тўғрисида улар ҳамдан-ҳам ўтиб моҳдалар. Тахта, цемент ва гишт йўқлиги натижасида колхоз бозорининг қурилиши тўхтаб қолди. Область савдо бўлимининг ходимлари жойларга ҳамдан-ҳам чиқадилар, савдо ходимларининг ишларига амалий ёрдам бермайдилар. Область соғлиқни сақлаш бўлими, халқ маорифи бўлими ҳам ўзларига қарашли ташкилотларнинг хўжалик ва қурилиш ишларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар. Область ташкилотлари жойлардаги аҳвол блан яқиндан танишишлари ва шаҳар хўжалигини яхшилашда яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Шаҳар ижроия комитети шаҳар партия комитети раҳбарлиги остида, депутатларнинг ёрдамига таяниб, ўз ишидаги камчиликларни бартараф этиш ва ўзининг бутун эʼтиборини шаҳарни янада обод қилишга, меҳнаткашларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишни тобора яхшилашга қаратади.

А. МАМАДАЛИЕВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Тошкент асбобсозлик заводининг коллективи майолди социалистик мусобақасини кун сайин қизитмоқдалар. **Суратда:** байрам шарафига меҳнат вахтасида туриб, смена нормасини 150 процентдан бажараётган силлиқловчи **Жўра Эргашев** иш устида.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Олмалиқ шаҳрида

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

Авторемонт устахоналарида рационализаторларнинг ижодий ишлари якунланди. Шу йилнинг I кварталы мобайнида рационализаторлар катта ишлар қилганлар.

Илгари бу ерда экскаваторлар учун электр кабельлари етишмас эди. Тажрибали электрик Алексей Сергеевич Салтиков эски кабельларни реставрация қилиш усулларини таклиф қилди. У бунинг учун вулканизация аппаратининг оддийгина конструкциясини тайёрлади. Эндиликда кабельар устахоналарнинг ўзида реставрация қилинмоқда.

Слесарь Никита Иванович Филлипенко «ЯАЗ» ва «МАЗ» машиналари учун детальлар тайёрлаш методини ишлаб чиқди. Ана шу метод блан подшипниклар, таянч ўқлари ва бошқа детальлар тайёрламоқда.

Бу корхонанинг ҳар уч ишчисидан биттаси рационализатор бўлиб танилган. Ўтган уч ой ичида ижодкор ишчилар 70 га яқин рационализаторлик таклифлари киритдилар. Бу таклифлар 400 минг сўм маблағни тежаш имкониятини беради.

ШАҲАР ПАРКИ ОБОД БЎЛМОҚДА

Шаҳар паркида катта ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Паркнинг бутун теварак-атрофи гулдор, чўян панжаралар блан ўраб олинди. Паркда эстрада, танца майдончаси қурилмоқда, шаҳар Ҳурмат тахтаси ўрнатилмоқда. Йўлларга, аллеяларга асфальт ётқизилмоқда. Клумбалар, газонлар тайёр ҳолга келтирилмоқда. Бу йил паркка 10 мингга яқин турли манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ободончилик ишларида комсомол ёшлар актив қатнашмоқдалар. Паркдаги ободончилик ишлари учун 20 минг сўм маблағ ажратилди.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Яқинда шаҳар маданият ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда бадиий ҳаваскорларнинг Бутуниттифоқ кўригига ва Ашула байрамига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзсовпроф маданият бўлимининг мудири ўртоқ Иброҳимов доклад қилди.

Шаҳардаги бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг раҳбарлари йиғилишда сўзга чиқиб, ўзларининг ижодий планлари ҳақида гапирдилар ва бу соҳадаги баʼзи тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Йиғилиш охирида бадиий ҳаваскорлар томонидан катта концерт қўйиб берилди ва «Актёрнинг санʼати» номли кинофильм кўрсатилди.

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети ва Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссияларида

25 апрельда Кремльда депутат **Д. Т. Шепилов** раислигида СССР Олий Советининг Миллатлар Совети ва Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Бу мажлисда «Гитлерчилар Германиясига ва унинг Европадаги шерикларига қарши урушда иттифоқ бўлиш тўғрисида ва урушдан кейинги ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Буюк Британия Бирлашган Королликлиги ўртасида тузилган Шартнома»ни бекор қилиш ҳақида СССР Министрлар Совети томонидан СССР Олий Совети Президиуми муҳокамасига тақдим этилган таклиф муҳокама қилинди. Мазкур Шартнома 1942 йил 26 майда тузилган эди. Бу масала Ташқи ишлар комиссиялари ўз фикрларини билдириши учун СССР Олий Совети Президиуми томонидан тақдим этилган эди.

СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** мазкур Шартномани бекор қилиш тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлар — СССР Олий Советининг Миллатлар Совети ва Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссияларининг аʼзолари қатнашдилар.

Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аʼзоси **М. И. Кучава** (Грузия ССР) эслатиб ўтдики, Англия Совет Шартномасита мувофиқ, СССР ва Англия Германия томонидан агрессиянинг такрорланишига ва тинчликнинг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида ўз қўлларидан келган бутун чораларни кўриш, шунингдек Аҳдлашгучи Олий томонлардан бирортасига қарши қаратилган ҳеҳқандай иттифоқларни тузмаслик ва ҳеҳқандай коалицияларда қатнашмаслик мажбуриятини олган эди. Совет Иттифоқи Англия—Совет Шартномасининг руҳи ва ҳарфига доим содиқ бўлиб келгани ҳолда, Англия ўз мажбуриятларини бузиш йўлидан борди. Англия-Совет Шартномаси герман агрессиси хавфининг қайтадан вужудга келтирилишига қарши кураш қуроли бўлиши керак эди. Англия ҳукумати ана шу ҳужжатни герман агрессияси хавфининг тикланишига қарши кураш қуроли бўлишидан ўзига хос пардага айлантириб юборди. Англия ҳукумати герман милитаристларини қўллаб-қувватлашдан иборат ўз сиёсатини ана шу парда блан ниқоблашга уринмоқда. Ўртоқ Кучава Совет Иттифоқи бундай ҳолга тоқат қилолмайди, деб уқтириб ўтди.

Шундан кейин Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аʼзоси **И. Г. Кэбин** (Эстония ССР) сўзга чиқиб айтдики, Англия ҳукумати ғарб давлатларининг ремилитаризация қилинган Ғарбий Германия блан иттифоқлиқда агрессив блокини вужудга келтиришнинг асосий ташаббускорларидан бири экانлигини кўрсатди. Бу сиёсат тасодифий сиёсат эмас, чунки Англиянинг собиқ бош министри Черчилль гитлерчилар германиясига қарши олиб борилган урушнинг охиридаёқ, таслим бўлган гитлерчиларни қуроллантириш ва уларни қаҳрамон Совет Армиясига қарши ташлаш учун чора кўрганлигини очиқ баён қилган эди. Ўртоқ Кэбин яна шуни таʼкидлаб ўтдики, вермахтни қайтадан тиклаш сиёсатини вужудга келтиришда биргина Черчилльнинг ўзи эмас, балки ҳозирги вақтда ҳукмронлик қилаётган консерватив партиясидаги актив мюнхенчиларнинг таʼсирли группаси ҳам жуда катта роль ўйнади. Ана шу актив мюнхенчилар ўз ҳаракатлари блан Гитлерга иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборишда ёрдам берган эдилар. Ўртоқ Кэбин Англиядаги баʼзи мас'ул сиёсий арбобларнинг Англиянинг Париж битимларида қатнашувчи Англия-Совет Шартномаси юзасидан Англия олган мажбуриятларга хилоф эмас, деб даʼво қилиш йўлидаги урунишлари асоссиз экانлигини кўрсатди.

Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аʼзоси А. Н. Шелепин (РСФСР) айтдики, Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш йўлини очиб берадиган Париж битимларининг ратификация қилиниши АҚШ, Англия ва Франциянинг Совет Иттифоқига ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга қарши агрессив сиёсат ўтказаётганликларини исбот этучи янги далилдир. Париж битимлари туғдираётган хавф муносабати блан, Москва кенгашида қатнашган Европадаги саккиз мамлакат ўз хавфсизликларини таʼминлаш чораларини кўришга ва дўстлик, ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Шартнома тузишга тайёрлик кўришга, шунингдек бирлашган ҳарбий қўмондонликни вужудга келтиришга қарор қилди. Ҳозирги вақтда бошқача ҳаракат қилиш — йўл қўйиб бўлмайдиган даражада беғамлик кўрсатиш бўлар эди. Совет Иттифоқи ва социалистик лагердаги мамлакатлар ўз куч-қувватларини мустаҳкамлаётмоқдалар ва бундан кейин ҳам мустаҳкамлайдилар.

Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аʼзоси А. Ю. Снечкус (Литва ССР) ўз нутқида қуйидагиларни таʼкидлади: Париж битимларининг Англиядаги давлат ҳокимияти органлари томонидан ратификация қилиниши бу битимларнинг инглиз халқи томонидан ратификация қилинишини ва ҳам билдирмайди. Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишга қарши норозилик ҳаракати Англияда, шунингдек Европанинг бошқа мамлакатларида кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўртоқ Снечкус яна айтдики, инглиз халқи герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши ва янги уруш хавфига қарши олиб бораётган курашида совет халқининг ҳамжиҳатлиги ва қўллаб-қувватлашига таянаолади.

Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аʼзоси М. Б. Митин қуйидагиларни уқтириб ўтди: Англиянинг баʼзи сиёсий арбоблари гитлерчилар вермахтини қайтадан тиклашга қаратилган Париж битимлари Англия-Совет Шартномасига, яʼни Германия томонидан бўладиган хавфнинг яна такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида тузилган Шартномага хилоф эмас, деган қуруқ даʼволари блан ўз мамлакатидаги жамоатчиликни чалғитишга уринмоқдалар. Аммо бундай найранглар ҳеҳкимни алдайолмайди. Ўртоқ Митин Министрлар Советининг Англия-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарори СССР ташқи сиёсатининг ғоят принципиал сиёсат эканлигини исбот қилади, деди.

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияси раиси Д. Т. Шепилов бундай деди: Сўзга чиққан депутатларнинг ҳаммаси СССР Министрлар Советининг Англия-Совет Шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги таклифини якдиллик блан қувватлади. Бунга сабаб шуки, Англия ҳукумати мазкур Шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларидан воз кечди, герман милитаризмининг қайтадан тикланишини қувватлади ва ремилитаризация қилинаётган Ғарбий Германия блан агрессив иттифоққа кирди. Бу эса янги уруш хавфини жиддий суратда кучайтиради. Ўртоқ Шепилов Англия-Совет Шартномасини йўққа чиқарган Англия ҳукуматининг ҳаракатлари Англия-Совет муносабатларига ёмон таʼсир кўрсатмай қолаолмаслигини кўрсатди. Аммо Совет Иттифоқи тинчлик учун ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун олиб бораётган кураш сиёсатини бундан буён ҳам изчиллик блан амалга оширади.

СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиялари СССР Министрлар Советининг таклифини маʼқулладилар ва 1942 йилда тузилган Англия-Совет Шартномаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаб уни бекор қилишни СССР Олий Совети Президиумига тавсия этишга қарор қилдилар, чунки Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишни ва уни Совет Иттифоқига қарши қаратилган ҳарбий группировкаларга тортишни кўзда тутган Париж битимларининг Англия томонидан ратификация қилиниши 1942 йилдаги Англия-Совет Шартномаси юзасидан Англиянинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини очиқдан очиқ бузади.

(ТАСС).

Оҳангарон шаҳар Советининг сессияси

Яқинда меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлди... Бунда шаҳар алоқа конторасининг иши муҳокама қилинди. Шаҳар алоқа конторасининг бошлиғи Ўртоқ П. Родак алоқа конторасининг иши ҳақида доклад қилди. Лекин у алоқа конторасининг ишидаги жиддий камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташламади.

Шаҳар алоқа конторасининг 1954 йилда эксплуатация даромадлари юзасидан йиллик плани 103,9 процент, 1955 йил январь ва февраль ойи планларини 100 процентдан ошириб бажарди. Шунга қарамасдан алоқа ходимлари ишида ниҳоятда катта камчиликлар бор. Доклад юзасидан сўзга чиққан шаҳар Советининг маданий-оқартув доимий комиссияси раиси Ўртоқ Голубев алоқа конторасининг ишидаги юз берётган жиддий камчиликларни очиб ташлади.

Меҳнаткашлардан юзлаб киши алоқа конторасининг ишидаги камчиликлар ҳақида ва алоқа ходимларининг газета, журнал ва бошқа корреспонденциларни обуначиларга 5-6 кунлаб кечиктириб олиб келаётгани, телефон, радио, телеграф алоқаларининг ёмон ишлаётганлиги ҳақида қилаётган шикоятлари оқибатсиз қолиб кетмоқда. Алоқа конторасига тушаётган шикоят ва аризалар алоҳида рўйхатга олинмайди.

9-ночи шахта бошлиғи депутат Хвостов шахта ва шахтёрлар ётоқхоналарида радио эшитиришнинг ёмон аҳволда эканлигини ва бу ишни яхшилаш учун шахта маʼмурияти томонидан алоқа конторасига қилинган талаблар оқибатсиз қолиб келаётганлигини ҳақли танқид қилди.

Кўмир разрези партия ташкилотининг секретари депутат Юрчиков кўмирчилар шаҳарининг кундан-кун ўсиб бораётганини ва шаҳар меҳнаткашларининг маиший ва маданий аҳволлари яхшиланиб бораётганини кўрсатиб, алоқа бўлими ана шу умумий юксалишдан орқада қолаётгани ҳақида гапирди.

Сессия шаҳар алоқа конторасининг ишини яхшилашда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг ҳам ёрдам бераётганлигини ҳам таʼкидлаб ўтди. Сессияда Ўзбекистон ССР Алоқа министри Ўртоқ Шарков ҳам сўзлади. У, ўз сўзида шаҳар алоқа конторасининходимлари олдида турган муҳим вазифаларни кўрсатиб, алоқа конторасининг ишини яхшилаш учун ёрдам кўрсатиш ҳақида министрлик номидан ваʼда берди.

Сессия алоқа конторасининг ишини яхшилашга қаратилган конкрет қарор қабул қилди.

М. РАҲИМОВ,
И. АҲМЕДОВ.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтирамиз

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрлигига қарашли «Узглавхлеб»нинг кондитер-булка комбинати Тошкент шаҳар ва область аҳолисини юқори сифатли пирожний, торт, кекс, печенье, пряник, коврижка ва булкалар блан таʼминлаш соҳасида катта роль ўйнайди.

Комбинат коллективи ҳар ойда бирнеча юз тонна кондитер ва булка маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Областимиздаги йирик озиқ-овқат корхоналаридан ҳисобланган бу комбинат ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари кўп вақтдан бери илғор корхоналар сафида келмоқда. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин ошиб бормоқда, унинг сифати яхшиланиб, таннарҳи камайтирилмоқда. Бешинчи бешйилликнинг ўтган 4 йили мобайнида комбинат коллективи давлат топшириғини маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича систематик равишда ошириб бажариб келди. 1951 йили пландан ташқари 262,5 тонна ёки 1 миллион 909,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1954 йили 411,6 тонна ёки 2 миллион 364,4 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Сўнгги 4 йил давомида область меҳнаткашларига 6 миллион 68,5 минг сўмлик қўшимча маҳсулот етказиб берилди. Коллективимиз ўтган йилнинг ўзида давлатга белгиланганидан ташқари 600 минг сўмдан қўпроқ жамғарма берди.

Комбинат маʼмурияти, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Биз, ҳарбир ишчи, ҳарбир бригада, ҳарбир участка ва ҳамма цехларнинг бир меʼёрда унумли ва сифатли ишлашларига алоҳида эʼтибор бермоқдамиз.

Маʼлумки, ишлабчиқаришни бир меʼёрда ривожлантирабориш зарур хомашёʼ, асбоб-ускуна блан етарли миқдорда таʼминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил қилишни тинмай такомиллаштириш, рационализаторлик ва новаторлик ҳаракатини қизитиб юбориш ҳал қилучи роль ўйнайди. Корхона маʼмурияти, партия ва касаба союзи ташкилотлари ўз фаолиятларида шу масалаларга алоҳида эʼтибор бермоқдалар. Капитонов, Маҳкамов, Хопряников ўртоқлар бошчилигидаги бригада аʼзолари ойма-ой, кварталма-квартал белгиланган графикни ошириб бажариб келмоқдалар. Бу бригадаларда меҳнатнинг тўғри ва қулай тақсимланганлиги, илғор иш методларининг кенг қўлланилиши натижасида йиллик топшириқ 160 — 180 процент бажарилди. Кўплаб аʼло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришаётганликлари учун бу бригадалар СССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрлигининг Фахрий ёрлиги ва пул мукофоти блан тақдирландилар.

Бундай муваффақиятларга эришишда социалистик мусобақа катта роль ўйнамоқда. Ҳар йили юзлаб тонна қўшимча маҳсулот ишлаб берётган 2-ночи кондитер корхонаси ўзаро мусобақада кўпдан бери биринчи ўринда келмоқда. Бу корхонага 13 йилдан бери ташаббускор коммунист Мақсудова раҳбарлик қилмоқда.

Ўз имкониятларини пухта ҳисобга олган комбинат коллективи Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг бешйиллик планни саноат соҳасида муддатидан олдин бажариш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Коммунистик партия ва Совет давлати халқимизнинг кенг истеʼмол молларига нисбатан кун сайин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини максимал даражада қондириш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқда. Янги-янги саноат корхоналари қурилиб, улар техниканинг сўнгги ютуқлари блан ускуналанмоқда, мавжуд корхоналар эса кенгайтирилиб, янги механизмлар блан қуроллантирилмоқда. Бу корхоналар етарли миқдорда малакали мутахассислар блан таʼминланмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг совет халқи фаровонлигини янада юксалтириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигидан руҳланган комбинат коллективи мавжуд ишлаб чиқариш майдонидан маҳсулот олишни кўпайтириш соҳасида самарали ишлар қилмоқда. Яқинда кондитер корхоналаридан бири реконструкция қилиниб, у ердаги эски печьлар янги ПШК маркали механизациялашган печьлар блан алмаштирилди, ишлабчиқариш процессининг асосий босқичлари механизациялаштирилди. Ҳозир бу ерда илгаригига нисбатан анча ортиқ кондитер моллари ишлаб чиқарилмоқда. Июнь ойигача 2-ночи кондитер корхонасини ҳам реконструкция қиламиз. Бу корхона энг янги конструкция асосида ишланган печьлар блан ускуналанади, асосий ва иккинчи даражали иш процессларининг ҳаммасини механизациялаштириб, ишлаб чиқариш поток усулига кўчирилади, янги кучли совутгич компрессори монтаж қилинади. Шу вақттача бизда ёз пайтларида пирожний ва торт ишламасди, чунки бунга имконият йўқ эди. Совутгич компрессор ўрнатилиб, ишга туширилса, Тошкент аҳолиси ёзин-қишин торт ва пирожний блан таʼминланади.

Коллективимиз янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилмоқда. Бу йил истеʼмолчилар учун бирнеча хил янги кондитер моллари ишлаб берамиз. 1 Майга атаб «Шоколодли торт» «Миндалли кекс» ва «Садко», «Алие цветочки», «Василёк» печеньеларини, янги хил пряник ва коврижкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Ҳамири қайноқ сувга қориб тайёрланадитан бу янги хил печенье ва коврижканинг эски усулда тайёрланган маҳсулотлардан афзаллиги шундаки, таʼми ширин ва тез қотиб қолмайди. Бу эса, айниқса кун иссиқ бўладиган бизнинг шароитда катта аҳамиятга эга.

Шу блан бирга биз, ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг истеʼмолчининг талабига мослаштириш масалаларига ҳам катта эʼтибор бермоқдамиз. Ҳозир печенье ва тортлар бадиий жиҳатдан яхши безатилган қутичаларга солиб жўнатилмоқда.

Бу вазифаларни муваффақият блан амалга оширишда кадрлар ҳал қилучи роль ўйнашини билиб, биз янги мутахассис кадрлар етиштириш, барча касбда ишловчи ишчи ва инженер-техникларнинг малакаларини оширишга жиддий эʼтибор бермоқдамиз. Йил бошидан бери 30 киши кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳунарини эгаллади. Ҳозир улар мустақил равишда ишлаб, кундалик нормаларини муваффақиятли бажараётирлар.

Маҳсулот сифатини яхшилашнинг гарови — ҳарбир технология процессини аʼло даражада бошқариш, умуман, ишлаб чиқариш маданиятини тинмай ошираборишдадир. Шунинг учун цехларда меҳнат ҳарбир ишчининг ўз иши юзасидан жавобгарлигини оширишни таʼминлайдиган қилиб уюштирилмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннарҳини ҳамда ортиқча харажатларни камайтиришда ишчиларнинг манфаатдорлиги тобора оширилмоқда. Комбинатда деярли ҳамма ишчилар смена нормаларини ортиғи блан бажармоқдалар. Бирнеча илғор бригадалар бешинчи бешйиллик планини тугалла, ҳозир навбатдаги бешйиллик ҳисобига ишламоқдалар. Коллективимиз квартал планини ҳам ошириб бажарди.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги муваффақиятлар блан бирга ишимизда қатор камчиликлар ҳам бор. Мавжуд ускуналардан, ишлабчиқариш майдонидан ва иш вақтидан ҳали юксак талаблар даражасида фойдаланаолмаётирмиз.

Комбинат маʼмурияти ва партия ташкилоти бу камчиликларни тугатиш мақсадида бирқанча тадбирларни амалга оширишни белгилаб чиқди. Жумладан, иш вақтининг ҳарбир минутидан рационал фойдаланиш учун сменалар иши соатлик графикка кўчирилабошланди.

Коллективимиз қўлга киритилган ютуқлар блан қанотланиб қолмай, истеʼмолчиларга кўп ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш учун астойдил ғайрат қилади.

М. ШУСТЕР,
«Узглавхлеб» трести кондитер-булка комбинатининг бош инженери.

Аҳоли эҳтиёжларини тўла қондирайлик

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Кенг истеʼмол саноат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида халқ истеʼмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш тадбирлари аниқ белгилаб берилган. Кўпгина илғор корхоналар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, халқ истеʼмол қиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтирдилар ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини бирмунча яхшилашга эришдилар.

Броқ, айрим корхоналарнинг раҳбарлари кенг истеʼмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ўрнига, уни қисқартмоқдалар ёки бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиб қўймоқдалар. «Таҳсельмаш», «Продмаш» ва Ильич номли заводлар металл кровать, чўян асбоблар, «Ташкенткабель» заводи арча безаклари ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиб қўйдилар.

Масалан, Ўзбекистон ССР Биноқорлик материаллари саноати министрлигига қарашли керамика заводида роликлар, втулкалар, плитка учун сопол ишлаб чиқариш тамомила тўхтатилди. Ленин райпромкомбинати электр духовкалари ва плиталарни, Куйбишев райпромкомбинати ёғочдан ясаладиган рўзғор буюмлари, «Рекорд» артели чўнтак фонарьлари учун футляр ишлашни тўхтатдилар. Афтидан, юқорида қайд қилинган корхоналарнинг раҳбарлари электр асбоблари ва бошқа хил буюмларни совет кишиларининг меҳнатини енгиллаштирадиган ва маиший шароитларини яхшилайдиган зарурий буюмлар эканлигини билсалар ҳам бундай «майда-чуйда»лар блан шуғулланишни ўзларига эп кўрмаётирлар.

Маҳаллий ресурслар — саноат товарларининг ассортиментини кенгайтиришда энг муҳим манба ҳисобланади. Броқ мавжуд имкониятлардан аҳоли учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқаришда ҳали тўла фойдаланилмаётир. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси корхоналари кейинги йиллар ичида халқ кўп истеʼмол қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бирмунча кенгайтирдилар. Лекин бу корхоналарда ҳали ҳам фойдаланилмай ётган жуда катта резервлар бор. Агар бу резервлар ишга туширилса, ишлабчиқаришни янада кенгайтириш мумкин. Маҳаллий саноат корхоналари раҳбарларининг аҳоли талаб ва эҳтиёжларини яхши ўрганмаганликлари натижасида савдо ташкилотлари примус нинаси, консерва очадиган пичоқ, электр плиткалари, дазмоллаш тахтаси ва шунга ўхшаган оддий буюмларни қардош республикалардан олиб келишга мажбур бўлмоқдалар. Ахир, буларни Тошкент область ва Тошкент шаҳар корхоналарида унча қиммат бўлмаган хомашёʼ ва чиқиндилардан ишлаб чиқариш мумкин-ку! Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси маҳаллий хомашёʼ ва чиқиндилар ҳисобига саноат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, унинг ассортиментини кенгайтирган тақдирдагина ўз вазифасини тўла бажари

Қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини янада ривожлантириш учун курашайлик!

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ғўзани яганалаш ва қатор ораларини дастлабки ишлаш

Пахта ҳосилини оширишдаги энг муҳим факторлардан бири, экиш схемасига мувофиқ ҳар гектар ерда мўлжалланган ғўза тупини сақлаб қолишдир. Бу, биринчи галда қатор ораларини ишлашнинг тўғри ташкил қилинишига боғлиқ.

Бу йил колхоз, совхозларда ғўза 60x60, 60x45 ва 45x45 сантиметрли схемаларда жойлаштирилади.

Ғўзанинг 60x60 ва 60x45 схемаларда жойланиши квадрат-уялаб экучи сеялкалар ёрдами блан та'мин этилади. 45x45 схемаси эса чигитни қаторлаб экиб, қаторнинг кўндалантига механизация ёрдамида яганалаш йўли блан та'мин этилади.

Тупроқ, сув шароити ҳисобга олинган ҳолда ҳар гектар ерда қуйидагича сонда ғўза туплари қолдирилади.

Ероси сувлари юза, унумдорлиги юқори бўлган ерларда 85—95 минг, ероси сувлари чуқур, унумдор бўз тупроқ ерларда 95—100 минг, тупроғи шўр ерларда 110—120 минг, ҳайдов қавати остида қум, шағал қатлами яқин жойлашган ерларда ҳар гектарга 130—140 минг туп ғўза қолдирилади.

Машина блан яганалаш учун ажратилган участкаларда ҳарбир метр масофада 30—35 туп ўсимлик бўлиши керак.

Ғўзанинг дастлабки ўсиш даврида унинг нормал ўсиши учун шароит яратиш мақсадида ягана ва қатор ораларини ишлашни барвақт ўтказиш катта аҳамиятга эга. Ғўзаларда 1—2 та баргча пайдо бўлганда яганалаш ўтказилади. Бунда торайтирилган қатор ораларига мослаштирилган У—3, У—4, У—1,8 ва бошқа тракторлардан ҳамда НКУ—2,4, НКУ—2,7 ва ўзгартирилган КД культиваторларидан фойдаланилади. Яганалашда даланинг тозалигига қараб культиваторга пичоқ ёки гоз панжа каби иш органлари ўрнатилади. Тракторнинг биринчи йўлининг тўғри чизиқли бўлишини та'минлаш учун ўлчов сими блан квадрат-уялаб экишдаги каби нишон таёқчалар ўрнатилади. Тракторнинг кейинги йўлларини белгилаш учун культиваторга маркерлар ўрнатилади. Тракторни кўз қири блан тахминлаб юритишга йўл қўймаслик керак.

Яганалашда культиватор иш органларини 6—8 сантиметр чуқурлайдиган қилиб ўрнатиш — мўлжалланган кенгликлаги қатор орасининг ва уялар кенглигининг тўғри бўлиши ва кўчатнинг нобуд бўлмаслигини та'минлайди. Культивация чуқур ўтказилса, ғўзаларнинг тупроқ блан кўмилиб кетиши ёки сайз ўтказилса ортиқча тупларнинг кесилмай қолиб кетиши мумкин.

Яганалаш тугалланганидан кейин 1—2 кун ўтгач, уялаги ғўза туплари қўл блан ростланади. Бу вақтда ҳарбир ростловчи кўндаланг қаторни тўғри чизиқли бўлишига зўр э'тибор бериш керак. Уялаги тупларнинг оралиги 2—3 сантиметрдан қолдирилади. Бу эса биринчидан ғўзаларнинг оркин ўсиши ва кўп ҳосил қилишини та'минласа, иккинчидан шу участкаларда пахта териш машиналарининг муваффақиятли ишлашига имконият яратиб берали.

Бу ишлар 6—8 кун ичида ўтказилиши керак. Агарда яганалаш ва қатор орасини дастлабки ишлашни кечиктириб юборилса ғўза секин ривожланади ва бу иллиз чириш касалининг авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада ҳосилнинг бир қисми йўқотилади.

Ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалантига ишлаш учун культиваторларнинг иш органлари ғўзанинг жойланиш схемасига қараб қуйидагича ўрнатилади. 60x60 сантиметр схемасида қаторнинг узунасига ишлашда юмшатилиш кенглиги 38—40 сантиметр, ихота зонаси 10—11 сантиметр, кўндалангига ишлашда эса юмшатилиш кенглиги 26—28 сантиметр бўлади.

60x45 схемасида қаторларнинг узунаси юқоридаги 60x60 схемасига ўхшаб, 45 сантиметрли қатор оралари 13—15 сантиметр кенгликда юмшатилади, 45x45 схемасида қаторлари узунасига 20 сантиметр кенгликда юмшатилади.

Ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишланганда ер яхши юмшатилиб кетман чопиғи ўтказиш учун деярли эҳтиёж қолмайди. Фақат ихота зонасилаги бегона ўтларни қўл блан ўтаб ташлашга тўғри келади. Бу эса меҳнатни тежашга, қатор ораларини қулай агротехника муддатларида ишлашга имкон беради. Ғўза қатор оралари олдин узунасига, сўнгра кўндалангига ишланади.

М. МИРҚОСИМОВ,
М. АҲМАДЖОНОВ.

Пичан ўриш ва жун қирқишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда

Оҳангарон районидаги машина-чорвачилик станцияси областьнинг Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Ўртасарой, Паркент ва Пискент районларининг колхозларига хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қароридан илҳомланган МЧС коллективи колхозларда жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини ошириш учун ем-хашак тайёрлаш ва чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштириш тадбирларини белгилаб, бу йил 9 минг гектар ердаги беда-пичанни ўриш, 1000 тонна силос тайёрлаш, 180 минг тонна ем-хашакни чорва фермаларига ташиб бериш ва 75 минг бош қўй, эчки жунини қирқиб олишни планлаштирди.

Ҳозир МЧС механизаторлари трактор, хашак ўриш-йиғиш ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини белгиланган муддатдан олдин ремонтдан чиқариш учун майдони социалистик мусобақани қизитиб юборишмоқда. 10 та трактор, 13 та жун қирқиш агрегати ремонтдан чиқарилди.

А. А'ЗАМОВ.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

Мирзачўл районидаги Ворошилов номли колхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қароридан руҳланиб, зотли сигирларнинг сонини кўпайтириш ва олинаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш учун барча куч ва воситаларни ишга солмоқдалар. Ҳозир колхозда 100 га яқин сигир бор, улардан 25 таси зотли ҳисобланади. Зотли сигирларни яхшилаб парвариш қилиш ва уларни кўпайтириш учун янги типда молхона қурилиб, сигирлар қўлда боқилмоқда. Шу жойларда зотли сигирларнинг бир қисми бузоқлади. Улар алоҳида бузоқхоналарда асралиб, зоотехниклар назорати остида яхши парвариш қилинмоқда.

А. ОТБОСАРОВ.

* * *

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхози чорвачилик соҳасида илғор колхозлардан бирига айланмоқда. Ҳозир колхозда сақланаётган сигирларнинг сони 93 тага етди. Сигирлар қўлда боқишга ўтказилгандан сўнг уларга бериладиган озуқа миқдори ҳам кўпайтирилди.

Колхоз чорвадорлари бу йил чорва молларини ширали ем-хашак блан та'минлаш мақсадида тўқайдан 475 гектар ерни очиб, 225 гектар ерга лавлаги, 50 гектар ерга беда, 200 гектар ерга маккажўхори экишни планлаштирдилар. План муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Райондаги «Қизил Октябрь» колхозининг чорвадорлари ҳам жамоат чорвачилигини ҳартомонлама ривожлантириш учун курашаётирлар.

Колхоз чорвачилари ўтган йили 498 бош совлиқ қўйнинг ҳарбиридан 1 килограмм 600 граммдан майин жун олишга эришдилар. Ўтган йили Бурхон Эшқулов ҳар 100 совлиқдан 117тадан қўзи олди ва ҳарбир қўйдан 1.900 граммдан майин жун топширди.

Бу йил қўйлар сони 1214га етиши ва она қўйларнинг сони 600 тага кўпайиши мўлжалланмоқда.

П. САМБЕТОВ,
У. ЭГАМҚУЛОВ,
Р. ЖУМАБОЕВ.

* * *

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш программасини белгилаб берди. Калинин районидаги Сталин номли колхоз а'золари Пленум қарорини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. Бу ишда айниқса Зеби Усмонова бошлиқ звено а'золарининг қилаётган ишлари диққатга сазовардир. Улар планда белгиланган 22 гектар ерга маккажўхорини квадрат-уялаб экиб, яна 28 гектар ерга иккичи экин сифатида маккажўхори экишни планлаштирдилар. Шундай қилиб звено а'золари мавсумда маккажўхорини 2 марта экиб, ҳар гектаридан 40 центнердан дон, 500 центнердан силос поя олиш учун курашмоқдалар.

Ғ. РАЗЗОҚХЎЖАЕВ.

* * *

Паркент районидаги Ленин номли колхоз а'золари картошка ва сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш учун ғайрат блан меҳнат қилаётирлар.

— Биз — дейди колхоз раиси Жўра Эров, — кўкламнинг биринчи кунларидаёқ сабзавот экинлари экишни ўз вақтида ўтказиш учун курашдик. 5,5 гектар ерга редиска, 15 гектар ерга пиёз, 20 гектар ерга эртаги картошка ва бошқа экинлар квадрат-уялаб экиб бўлинди.

Колхоз а'золари майолди социалистик мусобақасини қизитиб эртаги экин экиш планини бажариб, ўрта, кечки экинлар учун ер тайёрлаш ишларини бошлаб юбордилар.

Й. ОДИЛОВ.

* * *

Қуйичирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг а'золари 440 гектар ерга каноп экиб бўлдилар. Улар ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётирлар. Универсалчилардан Эргаш Йўлдошев, Абдужаббор Рихиев ўртоқларнинг ҳарбири 130—140 гектардан ерга каноп экдилар. Колхозчилар Ёқуб Норбоев, Файзулла Тўйчиев ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари каноп экишни биринчи бўлиб тамомладилар.

Шу кунларда колхоз далаларида жут экишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бороналаниб тайёрланаётган ерларга жут экилмоқда. Колхоз а'золари жут экиш планини белгиланган муддатдан илгари тугаллаш учун зўр ғайрат блан курашаётирлар.

П. ҚОЗОҚБОЕВ.

Чорва молларининг талаби

Бугун чорва моллари
Қўйгали қаттиқ талаб,
Қайбирлари кавшанган,
Қайбирлари лаб ялаб,
Йиғилишган ҳарёндан
Кенг яйловни тўлдириб.
Мажлис борар; сўз қилар
Шоввоз эчки дўндириб:
— Жўхорини, — дерди у, —
Ҳарқанча эксалар оз.
Ғанимат дам ўтмасдан
Айни кўклам, олди ёз.
Шу кунларда колхозчи
Ғайрат қилса, дард қолмас.
Жўхори деб тўкилган
Ҳар томчи тер йўқолмас...
(Минг оҳангда маграшар,
Жонворлар тўпи қалин.
Давом этар сўзида
Эчки силкиб соқолин):
Пояси бошдан-оёқ
Бизга хузуржон эмиш,
Донидан турли таом
Қилса ҳам бўлар эмиш.
Шундан-да, йилтиллашиб
Йилда эт қўймоғимиз.
Кундан-кун сермой бўлар
Сут, қатиқ, қаймоғимиз.
Жунимиз майинлиги
Жўхоридан албатта.
Нўшхўрти йўқ ем-хашак
Силосида гап катта.
Эчки сўзин мароқ-ла
Тинглашиб, тиккан қулоқ
Сигир-бузоқ, қўй-қўзи,
Беҳисоб оту-улоқ.
Дерлар: «Тўғри, жўхори
Биз учун кўп кераклик,
Колхозчи деҳқон ўртоқ,
Экишга зўр берайлик!».

Толиб ЙЎЛДОШ.

Ўрта малакали мутахассислар тайёрлаш масалалари юзасидан республика кенгаши

Тошкентда техникум ва махсус ўқув юртлари директорларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон КП Марказий комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан чақирилган эди. Кенгашда министрликларнинг вакиллари, идора ва жорхоналарнинг вакиллари, партия, совет ва комсомол ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

КПСС МК январь Пленумининг қарорлари муносабати блан ўрта малакали мутахассислар тайёрлаётган ўқув юртларининг ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Ғ. Султонов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар қайд қилиб ўтдиларки, Ўзбекистонда кейинги йиллар ичида махсус ўрта ма'лумот берадиган та'лимни ривожлантириш соҳасида кўпгина ишлар қилинган. 98 та техникум ва бошқа шу каби ўқув юртлари ташкил қилинган, бу ўқув юртларида 45 мингга яқин киши ўқиб турибди. Республикамиз олдига янги мас'улиятли вазифалар қўйилган ҳозирги пайтда кадрлар тайёрлаш ишининг, айниқса оғир индустрия корхоналари ва қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ишининг савиясини янада юксалтириш зарур. Ўсиб бораётган халқ хўжалигимизнинг юқори ва мустаҳкам билимга эга бўлган, топширилган ишни муваффақиятли уддалайоладиган ўрта малакали мутахассисларни талаб қилинган миқдорда олиб туриши учун ҳамма чораларни кўриш керак.

Бирқанча ўқув юртларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари ўз олдиларида турган вазифаларни амалга ошириш соҳасида бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида студентлар қишлоқ хўжалик фани ва техникасининг энг янги муваффақиятлари блан, илғор иш тажрибаси блан танишмоқдалар. Техникумда назарий та'лим ишлабчиқариш практикаси блан боғлаб олиб борилмоқда. Техникумнинг Қорасув районидаги Ленин номли колхоз блан яқин алоқада бўлиб турганлиги ҳам мутахассис кадрлар тайёрлаш ишининг сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда. Студентлар чорвачилик фермасидаги ишларни механизациялашда, маккажўхорини квадрат-уялаб экишда колхозчиларга амалий ёрдам кўрсатдилар. Тошкент машинасозлик техникуми, Самарқанд темирйўл транспорт техникуми ҳам мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшиладилар.

Шу блан бирга кенгашда кўрсатиб ўтилганидек, ўрта малакали кадрлар тайёрлашда жиддий камчиликлар бор. Махсус фанлардан дарс бериш қўпинча пас савиясида олиб борилмоқда. Масалан, Самарқанд гидромелиорация техникумида студентлар Ўрта Осиё шароитида тупроқнинг шўрини кеттазиш методлари блан таништирилмаётир. Тошкент пахта тозалаш саноати техникумида машина блан терилган пахтани тозалашнинг хусусиятлари та'рифлаб берилмайди. Кўпчилик қишлоқ хўжалик ва зооветеринария техникумлари шу кунги талабларга жавоб бермайдиган, эскириб қолган программалардан фойдаланмоқдалар. Техникумларнинг кўпчилиги зарур та'лим — ишлабчиқариш базаси блан та'минланмаган. Кўпгина ўқув юртларида студентлар янги техника блан фақат дарсликлар бўйича та'минтирилмоқда. Ишлабчиқариш практикаси жуда ёмон уюштирилмоқда.

Кенгаш қатнашчилари ўз нутқларида мана бу камчиликлар кўп жиҳатдан министрликларнинг техникумларга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари натижасида келиб чиққанлигини қайд қилиб ўтдилар. Республика қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги министрликлари қаттиқ танқид қилинди. Бу министрликлар ўзларига қарашли ўқув юртларига бепарво қараб келмоқдалар, та'лим-тарбия ишларини ва студентларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш блан боғлиқ бўлган масалаларни оперативлиқ блан ҳал қилмаётирлар.

Мутахассислар тайёрлашдаги мавжуд камчиликлар учун техникумлар зиммасига ҳам катта мас'улият тушади. Ўқув юртларининг раҳбарлари, партия ва комсомол ташкилотлари ўқув сифати учун курашда кўпинча етарли ғайрат кўрсатмайдилар, кадрлар тайёрлаш даражасини кўтариш учун мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланмайдилар.

Кўпгина ўқув юртларида студентлар орасида идеология ишлари бўш қўйилган. Самарқанд зооветеринария техникумида, Тошкент агролисомелиорация техникумида ва бошқа бирқанча ўқув юртларида студентларнинг дун'ёқарашини шакллантиришда жиддий ҳатоларга йўл қўйилмоқда. Ба'зи жойларда ёшларда юксак ма'навий фазилатларни тарбиялаш ҳақида етарли жонкуярлик қилинмаётир. Кенгаш қатнашчилари ана шу жиддий камчиликлар ҳақида гапириб, техникумларнинг раҳбарлари, ўқитувчилари, партия ва комсомол ташкилотлари студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кескин суратда яхшилашлари, бўлажак мутахассисларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришга ғоят катта э'тибор беришлари лозим, деб уқтириб ўтдилар.

Кенгаш республикада ўрта малакали мутахассислар тайёрлаш ишини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилади. (ЎзТАГ).

Қишлоқ ўқитувчилари куни

Педагогика ишининг моҳир мастерлари бўлган ўқитувчиларимиз ёш авлодни ўқитиш, уларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, ўз она-Ватанига муҳаббат ва коммунизм улуғ ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялаб, умумхалқ ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Ўз ишларининг натижалари учун юксак жавобгарликни ҳис этиб, ўқувчиларга фан асосларини чуқур ва мустаҳкам қилиб бераётган областимиздаги мактабларнинг кўпгина ўқитувчилари бутун йил давомида ўқувчиларнинг юқори ўзлаштиришларига эришмоқдалар.

24 апрельда Тошкент район мактабларининг ўқитувчилари, халқ маорифи бўлимининг ходимлари, район партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари Ўқитувчилар куни муносабати блан Каганович номли колхоз ҳузуридаги 4-нчи ўрта мактабнинг байрамдагидек безатилган кенг клуби залига тўпландилар.

Район партия комитетининг секретари Ўртоқ Исомухамедов «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг якуни ва қишлоқ ўқитувчиларининг вазифалари» ҳақида доклад қилди. Докладчи Пленум қарорида белгиланган муҳим тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишини та'минлашда қишлоқ мактаби ўқитувчилари ва халқ маорифи ходимлари олдида турган конкрет вазифаларни батафсил баён қилиб берди.

— Партия XIX с'езди директиваларига мувофиқ, — деди у, — умумий та'лим мактабларининг болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги аҳамиятини янада ошириш мақсадида политехника та'лимини ўқув процессига тўла жорий қилиш, ёшларни келажак практик ишларга пухта тайёрлаш учун мактабдаги бутун ўқув-тарбия ишлари шу принципга бўйсундирилиши лозим. Бунинг учун даставвал мактабларнинг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш, ўқув кабинетлари ва лабораторияларни тажриба асбоблари ҳамда кўргазмали ўқув қуроллари блан бойитиш, мактаблар ҳузуридаги тажриба участкалари ишини намунали йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Мактабларимизда ёшларнинг эркин равишда касб танлашлари учун барча қулай шароитлар яратиб берилган бўлиши лозим. Ўқитувчиларимиз эса дарсларнинг ғоявий-назарий савиясини юксак даражага кўтаришлари, ҳарбир темани ҳозирги замоннинг муҳим масалалари блан боғлаб ўтишлари, ўқувчиларнинг синфда олган назарий билимларини практик машғулотлар блан мустаҳкамлаш учун ўқув кабинетларида тажрибалар ўтказишлари, фан тўгараклари ишини жонлантиришлари ва вақт-вақти блан колхозлар, МТС-лар ҳамда чорвачилик фермаларига экскурсиялар уюштириб туришлари керак.

Сўнгра ўртоқ Исомуҳамедов қишлоқ мактаби ўқитувчиларининг колхозчилар ўртасида оммавий-агитация ишларини кучайтириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, агробиология ва зоотехника фани ютуқларини кенг пропаганда қилиш соҳасидаги вазифалари ҳақида гапирди ҳамда ўқитувчиларга бундан кейинги ишларда муваффақиятлар тилади.

Область халқ маорифи бўлимининг вакили ўртоқ Капустинский Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва область халқ маорифи бўлими номидан Тошкент район ўқитувчиларини бугунги тантанали йиғилиш муносабати блан табриклади.

Залга бўйинларига қизил галстук тақиб олган ва бирхил формада кийинган 2-нчи республика соғломлаштириш болалар уйида тарбияланучилар ва 19, 20-нчи мактаб ўқувчиларидан бир группаси бирин-кетин кириб келадилар. Улар ўз билимлари ва педагогик маҳоратларини ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга бағишлаётган ўқитувчиларни табриклайдилар ва совет ёшлари тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келаётган Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукуматига миннатдорчилик билдирадилар.

Минбарга Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси, райондаги 5-нчи сон еттийиллик мактабнинг биология ўқитувчиси Ўртоқ Қодиров чиқади. У Ўқитувчилар куни қатнашчиларига ўзининг биология фанини ўқитишдаги тажрибаси ва мактаб тажриба участкасида ўқувчилар блан бирликда олиб борган практик ишларини сўзлаб берди. Бу мактабда политехника та'лими ўқув процессига муваффақиятли жорий қилинган, тажриба участкасининг ишлари намуналя йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам мактаб 1954 йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиб, диплом ва медаль блан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, райондаги 20-нчи ўрта мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси Ўртоқ Ҳ. Тошпўлатова ўқув-тарбия ишларининг сифатини яхшилаш, политехника та'лимини жорий қилиш ва ўқувчиларнинг ягона, уюшқоқ коллективини вужудга келтириш соҳасида мактабда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди ва барча ўқитувчиларни ўқув йилини муваффақиятли якунлашга чақирди.

Ўқитувчилар куни қатнашчилари бу ерда ташкил этилган виставкани зўр қизиқиш блан тамоша қилдилар. Виставкага ўқувчилар қўли блан ишланган физика, химия фанлари бўйича тажриба асбоблари, грамматик ва арифметик таблицалар, мактаб тажриба участкаларида етиштирилган турли ўсимлик намуналари, уй жониворлари, қўл ҳунар тўгараги а'золарининг ишлари ва бошқа кўпгина нарсалар қўйилган.

Шу куни кеч соат 8 гача бу ерда ҳархил оммавий ўйинлар, мастерликка кандидат Шаҳзода иштирокида ўқитувчиларнинг шахмат мусобақаси давом этди. Ўқитувчилар куни охирида Ўзбек Давлат эстрадасининг коллективи томонидан катта программада концерт қўйиб берилди.

ЧОРВАДОРЛАРГА ЁРДАМ

Ем-хашакни молга егизишга тайёрлашни машиналаштириш

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисидаги қарорида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг программаси белгиланди ҳамда бу улуғвор программани бажариш тадбирлари аниқ кўрсатиб берилди. Бу соҳада чорва фермаларидаги асосий ишларни кенг кўламда машиналаштириш энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Қорамолларни қўлда боқиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан ўтказилган республика кенгаши қатнашчиларининг Мурожаатида ҳам фермалардаги асосий ишларни максимал даражада механизациялашни та'минлашнинг зарурлиги алоҳида та'кидлаб кўрсатилган.

Молларга ем-хашакни егизиш тўғри ташкил қилинса озуқанинг молга сингиши яхшиланади, ем-хашакни мол иштаҳа блан ейди. Бунинг натижасида чорвачилик маҳсулдорлиги ошибгина қолмай, чорва ба'зи касалликларга бардошли ҳам бўлади. Яхши тайёрланган озуқадан нўшхўрт чиқмайди, аксинча ба'зи камқувват озуқалар хушхўр бўлади, унинг тўйимлилиги ошади.

Ем-хашакни молга егизиш учун тайёрлаш ишлари машиналаштирилганда чорвадорларнинг меҳнат унуми 3—4 баравар ортади, ем-хашакнинг сифати яхшиланади. Бу илмий-текшириш муассасаларининг ва илғор чорвадорларнинг кўпйиллик тажрибасила аниқланган.

Областимизнинг илғор чорва фермалари ем-хашакни молга егизиш учун тайёрлашни борган сари кўпроқ машиналаштириб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Моллар қўлда боқилиб, уларга ем-хашакни егизиш учун тайёрлаш ишлари бирмунча машиналаштирилган 4-нчи «Вревский» наслдор моллар совхозида 1954 йилда ҳарбир сигирдан 4.790 килограмм, Янгийўл районидаги Сталин номли колхозда 3167 килограмм, шу райондаги Свердлов номли колхозда 1700 килограммдан, шунингдек Калинин районидаги Сталин номли, Ворошилов номли ва «Шарқ ҳақиқати» колхозларида, Орджоникидзе районидаги Навоий номли ва Сталин номли колхозларда ўрта ҳисоб блан 1500—2000 килограммдан сут соғиб олинди. Сигирлардан шу хилда мўл сут олаётган фермалар областимизнинг бошқа районларида ҳам бор.

Молларга ем-хашакни егизишга тайёрлашда хилма-хил машиналардан фойдаланилади.

Беда, пичан, жўхори ва бошқа силос экинлари пояси саломорезка, силосорезка машиналарида қирқилади. Булардан РСБ—1,0, РСБ—3,5 ва РСС—6,0 маркали саломо-силосорезкалар қуруқ ва силос қилиналиган кўк хашак-поя ларни майдалаб қирқади. Бу машинанинг биринчи ва иккинчиси ҳар соатда 1 тонна қуруқ, 2,5—3,5 тонна ҳўл хашакни, учинчиси эса 1,5 тонна қуруқ, 5—6 тонна ҳўл хашакни қирқаолади.

Йирик чорва хўжаликларида ишлатиладиган РКС—12 маркали силосорезка ҳар соатда 12 тоннагача силос хашагини қирқаолади. РСС—6,0 ва РКС—12 маркали машиналар эса қирқилган хашакни силос траншейига ёки баландлиги 8—12 метргача бўлган силос башняларига етказиб бераднган труба ва механизмларга ҳам эгадир.

ИК—3 маркали ем-хашак майдаловчи машина блан дағал ва серсув хашакларни қирқиш, тўғраш, жунжара ва тузларни майдалаш, донни эзиб чиқиш ёки ёрма қилиш ва бошқа ишларни бажариш мумкин. Бу анча ихчам ва серунум машинадир.

Қорамолларга хомлигича ёки чўчқаларга пишириб бериладиган лавлаги, картошка ва бошқа хашаки илдиз мевалар МП—2,5 маркали машинада ювилади. Бу машинани қўл блан ёки 0,5 киловатт қувватли электр двигатель блан ҳаракатга келтириш мумкин. 1 тонна илдиз мева ювиш учун 250—300 литр сув сарф этилади.

Илдиз меваларни тўғраш учун РКР—2 маркали машина ишлатилади. Бу машина блан лавлаги ва бошқа илдиз мевалар ёш моллар учун майдалаб тўғраб, сигирлар учун парча-парча қилиб бериш мумкин. Бу машина ҳам қўл блан ёки 1 киловатт қувватли электр двигатель блан ҳаракатга келтирилади. Ба'зи хўжаликларда, масалан, 4-нчи «Вревский» совхозида ювилган ва тўғрайдиган машина кетма-кет ўрнатилиб, бир электр двигательдан ҳаракатга келтирилмоқда. Натижада иш осонлашмоқда ва тезлашмоқда.

Илдиз меваларни димлаш, поҳол, чорва ва бошқа дағал ем-хашакларни бўғлаш учун ЗК—0,2, ЗК—0,5 ва ЗК—1,0 маркали кормозапарниклар қўлланилади. Бу запарник вертикал буғ қозони ва 2—3 кимлаш чанидан иборат агрегатдир. Чўчқаларга бериладиган илдиз мевалар буғ блан пиширилганида уларнинг озуқа қиймати ошади. Поҳол, чори каби дағал хашак буғланганда юмшаб, ейишли бўлади.

Кунжара ДЖ—0,5 маркали машинада, дон емлар ДМК—0,1 ва ДММ—0,3 маркали молотковая дробилка, МДК—4 маркали универсал тегирмон, ДКУ—1,2 маркали универсал дробилка ва бошқа машиналарда майдаланилади. Дробилка ва универсал тегирмонлар донни қирқиб майдалайди, шу сабабли у, кукунланиб нобуд бўлмайди ва қўпуқ ҳолда бериланда ҳам молнинг нафас олиш йўлларига кетиб қолмайди. Бу машиналар серунум ва ихчам бўлиб, оз қувват блан ҳаракатга келтирилади. Бу машиналарда турли хашакларни майдалаб хашак уни ҳосил этиш мумкин. Хашак уни чўчқаларни, ёш моллари ва паррандаларни боқишда катта аҳамиятга эга бўлган озуқадир.

Кейинги вақтларда чорва фермаларимизда ем-хашак тайёрлашда Белоруссия ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти томонидан ишлаб чиқилган конструкциядаги агрегат ишлатилабошланди. Бу агрегат блан илдиз меваларни ювиш, қирқиш, димлаш ва емларни хашакларга қўшиб аралаштириш мумкин. Шунинг учун бундай агрегатни қорамол ва чўчқачилик фермаларида ишлатса бўлади.

Ем-хашакни молга егизишга тайёрлашда ишлатиладиган машиналардан тўғри ва унумли фойдаланиш учун фермаларда ем-хашак тайёрлаш цехи қуриш лозим. Цех ҳартарафлама ўйланиб тузилган лойиҳа асосида қурилиши зарур. Бунда тайёрланадиган ем-хашакни машиналарга етказишдан бошлаб уларни бир машинадан — иккинчисига ўтказиш, аралаштириш, ўлчаш ва молларга тақсимлашга қадар бўладиган барча ишларни машиналаштириш кўзда тутилмоғи лозим.

Ем-хашак тайёрлаш цехларидан ва силос иншоотларидан ем-хашакни молларга етказиб бериш, соғиб олинган сутларни сут хонасига ташиш ва молхонадан ғўнгни ташиб чиқариш анчагина меҳнат талаб этадиган ишдир. Бунинг учун турли транспортдан фойдаланиш мумкин. Чорва фермалари учун биризли осма транспорт энг қулай воситадир. ПД—300 маркали биризли осма транспорт заводларида комплекс равишда ишлаб чиқарилмоқда. Бу транспорт ислари молхона биносининг шипига, молхонадан ташқарида эса — махсус стойкаларга осиб ўрнатилади. Чорвачилик фермасидаги осма транспорт иш унумини 30—40 процент оширади, ем-хашакнинг тўкилиб-чачилиб нобуд бўлишига йўл қўймайди ва молларнинг ғўнгини молхонадан тез ташиб олиб кетиш, молхона биносини тоза ҳолда сақлашга имкон беради.

Ем-хашакни молга егизишга тайёрлайдиган машиналарнинг силжимасдан, тебранмасдан ишлаши ва ҳаракатга келтиручи ременьларнинг машина шкивларидан чиқиб кетмаслиги учун машиналарни мустаҳкам фундаментга ўрнатиш, машина ва двигатель шкивларининг бир-бирига нисбатан параллель туришини та'минлаш лозим.

Машиналарнинг бетўхтов унумли ва сифатли ишлаши учун барча қисмларини ўз вақтида мойлаш, бўшаб қолган болт ва гайкаларини бураб маҳкамлаш ҳамда машинани ҳар гал ишлатиб бўлгандан кейин яхшилаб тозалаб, унинг ичидан ем-хашак қолдиқларини олиб ташлаш лозим. Шунингдек, машиналар ишлатилмайдиган даврда ҳам уларни мойлаб, тозалаб, устн берк жойда сақлаш зарур.

Ҳарбир янги машинани ишлатишдан олдин, унга завод томонидан қўшиб юборилган инструкция блан албатта танишиб чиқиш керак. Машиналарни ишлатишда хавфсизлик техникаси қоидаларига ҳам жиддий э'тибор қилиш лозим. Ишловчиларни олдиндан ишга ўргатиш ва уларни хавфсизлик қоидалари блан мукаммал таништириш зарур. Ҳаракатга келтиручи ременьлар албатта сим тўр блан тўсиб қўйилиши, қисмларини мойлаш, созлаш, тозалаш каби техника қаров ишлари эса фақат машина ишлатилмай турган вақтда бажарилиши зарур.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш асосида 1960 йилга бориб республикамизда ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига 8—10 центнергача гўшт, 35—40 центнергача сут етиштириш вазифаси қўйилади, я'ни гўшт 2,3 баравар, сут, 2,2 баравар кўпайтирилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарори асосида тузилган бу планни бажариш учун чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг муҳим чораларидан бири бўлган ем-хашакни молга егизишга тайёрлаш ишларини машиналаштиришни областимиз чорвадорлари тез кунда ўзлаштиришлари лозим.

И. СОЛИХОВ,
инженер-механик.

Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг конференциясидан халқаро касаба союз бирлашмаларига очиқ хат

ЛЕЙПЦИГ, 24 апрель. (ТАСС). Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг конференциясида халқаро касаба союз бирлашмаларига қуйидаги очиқ хат қабул қилинди.

Христиан касаба союзларининг халқаро федерациясига,

Эркин касаба союзларнинг халқаро конфедерациясига,

Жаҳон касаба союзлари федерациясига,

Шу бирлашмаларга а'зо бўлиб кирган ҳамма ташкилотларга,

Ўртоқлар!

Шу хат блан сизларга мурожаат қилучи бизларни 25 миллатдан бўлган миллион-миллион меҳнаткашлар Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг 1955 йил 22—24 апрельда Лейпцигда бўлган конференциясига вакил қилиб юборган эдилар.

Шу конференцияга бизларни вакил қилиб юборган ишчилар сингари бизлар ҳам турли оқимдаги касаба союзларга мансубмиз, бизларнинг сиёсий, фалсафий ва диний э'тиқодларимиз ҳам турличадир.

Ҳозирги халқаро аҳвол сабабли Европа меҳнаткашларида бўлаётган ва бизнинг конференциямизда ҳам намоён бўлган ҳаботирликни сизларга изҳор қилишни яқдиллик блан ўз зиммамизга олишга қарор қилдик.

Париж битимларининг ратификация қилиниши герман милитаризмининг тикланишига йўл очиб беради. Бу битимларнинг ратификация қилиниши илгариги гитлерчи генераллар қўмондонлиги остида янги агрессив вермахтни вужудга келтириш имкониятини беради. Бу ратификация атом уруши хавфини кучайтиради, бу хавф бутун дун'ёга ёйилмоқда.

Бу ҳозирнинг ўзидаёқ зўр бериб қуролланишни тезлатиш, ҳарбий харажатларнинг кўпайиши демакдир, буларнинг оғирлигини меҳнаткашлар устига юкламоқчилар. Солиқлар кўпаймоқда, эксплуатация кучаймоқда. Меҳнаткашлар оммасининг ижтиҳадига, социал ғалабаларига, касаба союз ва демократик ҳуқуқларига қилинаётган ҳужум кенгайиб бормоқда.

Европа хавфсизлигига ва бутун дун'ёда тинчликка, халқларнинг фаровонлигига ва эркинлигига таҳдид солаётган мана шу ишларнинг оқибатларидан ҳеч бир истисносиз барча меҳнаткашлар қулфат тортмоқдалар.

Шу сабабли биз сизларга, касаба союз ташкилотларига мурожаат қилмоқдамиз, чунки касаба союз ташкилотларининг бурчи меҳнаткашларни ҳимоя қилишдир.

Агар сизлар, халқаро касаба союз ташкилотлари ва сизларда бирлашган касаба союзлар, тинчликни сақлаш учун яқдиллик блан ҳаракат қиладиган бўлсангиз, меҳнаткашлар ҳаракатининг енгилмас бирлигини вужудга келтирасизки, биз бунга жуда аминмиз. Шу тарика сизлар халқ рад қилаётган Париж битимларининг амалга оширилишига қарши кураш ишида катта ёрдам кўрсатган бўласиз, атом урушининг олдини олишга ёрдам берган бўласиз.

Европадаги миллион-миллион меҳнаткашлар ҳам шу фикрдадир.

Шу сабабли биз, сизларнинг вакилларингиз тез фурсатда бир-бирлари блан учрашсинлар ва меҳнаткашлар оммасига хавф солаётган қашшоқликни ҳамда бахтсизликни қандай қилиб йўқотиш масаласини биргаликда муҳокама қилсинлар, деб таклиф қиламиз.

Биз айтамизки, Европанинг ҳамма мамлакатларида миллион-миллион ишчилар, миллион-миллион меҳнаткашлар ўзларини уруш йўлига тортишга йўл қўймаслик учун курашишга қат'ий бел боғлаганлар. Улар коллектив хавфсизлик учун, халқларнинг фаровонлиги учун бутун кучлари блан муттасил курашмоқдалар ва бундан кейин ҳам курашадилар.

Улар бу курашда ўзларининг касаба союз ташкилотларидан, сизлардан, амалий ёрдам кутмоқдалар. Агар сизлар уларнинг чақиригига қулоқ солмасангиз, бу блан уларни таажжубда қолдирган бўласиз.

Сизларнинг виждонингиз, ишчи арбобларнинг, меҳнаткашлар вакилларининг виждони сизларни бу чақириққа қулоқ солишга ва шу тарика, тинчлик учун, нон ва озодлик учун курашда ғалаба қозонишга ўз ҳиссангизни қўшишга мажбур қилади.

Биз сизлардан ўзларингизнинг жавобларингизни Лейпциг конференциясининг ташкилот комитетига (унинг адреси: Лейпциг, В. 33 Наумбургерштрассе, 28) юборишингизни сўраймиз ва бизнинг қардошлик саломимизни қабул қилишингизни илтимос қиламиз.

Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакилларининг конференцияси.

Профессор Бруно Понтекорво Англиянинг СССРдаги Элчихонасига жавоб қайтарди

Шу йил 29 мартда Москвадаги Англия элчихонасининг 1-нчи секретари Слейтер жаноблари СССР Ташқи Ишлар Министрлигига келиб, профессор Бруно Понтекорвога Англия Ички ишлар министрлигининг ҳужжатларини топширишни илтимос қилди. Шу ҳужжатларда Англия ҳукумат ма'мурлари Понтекорво «лойяллик кўрсатмади» деган баҳона блан уни Англия граждан лигидан маҳрум этиш ниятида эканликлари профессор Понтекорвога хабар қилинган.

Ма'лумки, катта олим профессор Бруно Понтекорво 1950 йилда СССР га келган ва кейин совет граждан лигини қабул қилган эди.

Англиядан юборилган ҳужжатлар профессор Понтекорвога топширилган эди. Яқинда профессор Понтекорво Англия Ички ишлар министрлиги томонидан ўзига юборилган ҳужжатларни СССР Ташқи Ишлар Министрлиги иккинчи Европа бўлими мудири ўртоқ Н. В. Славин номига ёзилган қуйидаги хат блан биргаликда СССР Ташқи Ишлар Министрлигига қайтариб юборди:

СССР Ташқи Ишлар Министрлигига, ўртоқ СЛАВИНГА

Ҳурматли ўртоқ Славин,

Англия Ички ишлар министрлигининг Сиз томонингиздан менинг адресимга юборилган ҳужжатларини қайтариб юбордим.

Англиянинг СССРдаги Элчихонасига уларнинг ўзларига ма'лум бўлган шу фактни хабар қилишингизни илтимос қиламан: мен совет граждениман, шу сабабли Англия Ички ишлар министрининг Британия граждан лиги тўғрисида қандай қарор қабул қилиши масаласи мени қизиқтирмайди.

Шу блан бирга, шу нарсани уқтириб ўтишни зарур деб ҳисоблайманки, мен инглиз халқига нисбатан ҳеч қандай нолойяллик ёки нодўстлик ҳаракатлари қилганим йўқ ва ҳанузгача инглиз халқига нисбатан энг юксак ҳисларимни изҳор қилиб келмоқдаман.

Ҳурмат блан Бруно Понтекорво

1955 йил 20 апрель.

* * *

Шу йил 25 апрельда профессор Бруно Понтекорвонинг хати Москвадаги инглиз элчихонаси вакилига топширилди. Шу хат блан бир вақтда Англия Ички Ишлар Министрлигининг юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлари ҳам қайтариб берилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясида

БАНДУНГ, 25 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча Осиё ва Африкадаги 29 мамлакатнинг 1955 йил 18—24 апрельда Бандунгда (Индонезия) бўлган конференциясининг якунловчи ахбороти э'лон қилинди.

Ахборотда айтиладики, конференция Осиё ва Африка мамлакатларига таалуқли бўлган умумий проблемаларни кўриб чиқди ва бу мамлакатларнинг халқлари иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорликни тўла та'минлайоладиган йўлларни ҳамда усулларни муҳокама қилди.

Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ахборотда қайд қилиб ўтиладики, конференция қатнашчилари ўзаро манфаатдорлик ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш асосида ана шундай ҳамкорликка бирдай интилаётганликларини изҳор қилдилар.

Конференция қатнашчилари тинч мақсадларда атом энергиясини ривожлантириш Осиё ва Африка мамлакатлари учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам уқтириб ўтдилар.

Сўнгра ахборотда маданий ҳамкорлик қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Маданий ҳамкорлик мамлакатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишга ёрдам берадиган энг кучли воситалардан биридир.

Конференция қатнашчилари мустамлакачи давлатларнинг ўзларига қарам бўлган халқларнинг билим олиш ва маданият соҳасидаги асосий ҳуқуқларини э'тироф қилмаётганликларини қораладилар.

Конференция, дейилади ахборотда, Осиё ва Африканинг ба'зи қисмларида ана шу ҳуқуқларнинг, я'ни билим олиш ва маданият соҳасидаги асосий ҳуқуқларнинг бу хилда инкор қилинаётганлигини, маданий ишларнинг ана шундай шаклда ва бошқа хил шаклларда бостирилаётганлигини қоралайди; конференция маданиятни қувғин остида олиш воситаси бўлган ирқчиликни айниқса қоралайди.

Киши ҳуқуқлари ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги бобда айтилишича, Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси киши ҳуқуқлари ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида баён қилинган асосий принципларни тамомила қўллаб-қувватлайди ва киши ҳуқуқлари ҳақидаги умумий декларацияни ма'лумот учун қабул қилади.

«Конференция,—дейилади ахборотда, — халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида баён қилинган принципни тўла қўллаб-қувватлаганлигини билдиради ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқлар ҳамда миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқлари ҳақидаги резолюциясини ма'лумот учун қабул қилади, бу резолюция кишининг ҳамма асосий ҳуқуқларини тўла қондириш учун замин яратиб беради.

Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси ирқий сегрегация ва дискриминация сиёсатини ҳамда практикасини қоралайди, ирқий сегрегация ва дискриминация Африканинг катта районларида ва дун'ёнинг бошқа қисмларида ҳукуматлар ўртасидаги ва кишилар ўртасидаги мунсабатларнинг асоси бўлиб келмоқда. Бундай ҳатти-ҳаракат киши ҳуқуқларини ҳўпол равишда поймол қилиш бўлибгина қолмай, балки асосий маданий бойликларни инкор қилиш ва кишининг ор-номусини таҳқирлаш бўлади.

Сўнгра конференция қатнашчилари колониализмни қораладилар ва унинг ҳамма кўринишларига хотима бериш зарур деб э'тироф қилдилар ҳамда халқларнинг ажнабийлар асоратига тушириши, ажнабийлар ҳукмронлиги остида яшаши ва ажнабийлар томонидан эксплуатация қилиниши кишининг асосий ҳуқуқларини инкор этишдан иборат бўлиб, бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига хилофдир ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликка ёрдам бериш ишига тўсқинлик қилади, дедилар. Конференция қатнашчилари ана шундай халқларнинг ҳаммаси озод ва мустақил бўлишини қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар ҳамда манфаатдор мамлакатларни бундай халқларга озодлик ва мустақиллик беришга чақирдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси, дейилади сўнгра ахборотда, ҳозирги хавфли халқаро аҳволни ва бутун инсониятга таҳдид қилаётган жаҳон уруши хавфини, ҳамма турдаги қурол-яроғларнинг, шу жумладан ядро ва термоядро қуролининг вайрон қилиш кучидан фойдаланиладиган уруш хавфини муҳокама қилиб, барча мамлакатларнинг э'тиборини бу хил уруш чиққанида, унинг қандай даҳшатли оқибатларга сабаб бўлажагига жалб қилади. Конференция, қуролсизланиш ва ядро ҳамда термоядро қуроли ишлаб чиқаришни синаб кўришни ва ишлатишни тақиқлаш жуда ҳам зарур, деб ҳисоблайди. Конференциянинг фикрича, бу ерда тўпланган Осиё ва Африка мамлакатларининг инсонят ва маданиятга нисбатан бурчи — қуролсизланиш ҳақидаги ҳамда бу хил қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаганлигини э'тиқлаган ҳамда бу масала айниқса таалуқли бўлган мамлакатларга ва жаҳон жамоатчилик фикрига мурожаат қилиб, ана шундай қуролсизланишни ва тақиқлашни амалга оширишга чақиришдан иборатдир.

Конференция ҳисоблайдики, та'сирли контроль ўрнатилиши ва амалга оширилиши лозим, токи ана шундай қуролсизланиш ва тақиқлаш амалга оширилсин, бунинг учун жадал ва муайян чоралар кўрилиши лозим. Конференция ҳамма манфаатдор давлатларни ядро ва термоядро қуролини ишлаб чиқариш ялпи тақиқлангунча бундай қуролни синаб кўришни вақтинча тўхтатиш тўғрисида битимга келишга чақиради».

Ахборотнинг охирида умумий тинчлик ва ҳамкорликка ёрдам бериш тўғрисидаги декларация келтирилади.

Декларация ҳамма мамлакатларнинг суверенитетини ва территориал бутунлигини ҳурмат қилишга, бирор мамлакатнинг территориал бутунлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши агрессия актидан ёки агрессия блан ўқ қилишдан ёхуд куч ишлатишдан тийилишга ҳамда ҳамма халқаро низо'ларни тинч йўл блан ҳал этишга чақиради.

Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси, дейилади декларациянинг охирида, ушбу конференциянинг ташаббускори бўлган беш мамлакатнинг конференцияда қатнашган бошқа мамлакатлар блан маслаҳатлашиб, келгуси конференцияни чақириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишларини тавсия қилади.

Совет спортчиларининг порлоқ ғалабаси

КЛАССИК КУРАШ БУЙИЧА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН МУСОБАҚА

БЕРЛИН, 25 апрель. (ТАСС). 21—24 апрельда Карлсруэда (Ғарбий Германия) классик кураш бўйича жаҳон биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақа саккиз вазн категориялари бўйича ўтказилди. Шундан олтитасида жаҳон чемпиони номини совет полвонлари олди.

Энг енгил вазнда—жаҳон чемпиони номини совет спортчиси В. Сташкевич, енгил вазнда—Г. Гамарник, ярим ўрта вазнда—В. Манеев, ўрта вазнда—Г. Картозия, ярим оғир вазнда—В. Николаев ва оғир вазнда—А. Мазур олди.

Авиасанитария станциясида

Бу кеча телефон олдида диспетчер Анна Андреевна Андреева навбатчилик қиларди. Ярим кечада телефон жиринглади ва шундай хабар олинди:

Келес массивига жойлашган Бўзой қишлоғи яқинидаги яйловда автомобиль аварияси юз берган. Қаттиқ зарарланган кишилар бор. Тезда медицина ёрдами керак.

Ба'зан Тошкентда ёки «ҳаво тез ёрдами» талаб қилинган бошқа бирор жойда ноқулай об-ҳаво шароити туфайли самолет учолмаслиги мумкин. Бундай пайтларда автомашина ёрдамга келади. Бу гал ҳам худди шундай бўлган эди.

Воқеа содир бўлган жойга шу заҳотиёқ бортврач Иван Иванович Морозов жўнаб кетди. Бу вақтда Тошкентда ҳаво илиқ эди, врач эгнига фақат чарм тужурка кийди, холос. Шофер ҳам бирор иссиқроқ устки кийим олмади.

Бу пайт бутун Келес массиви қалин қор блан қопланган бўлиб, йўллар кўринмасди. Яхшики, шофер кўпни кўрган, тажрибали киши эди. У автомобиль фарининг шу'ласи ёрдамида машинани моҳирлик блан бошқариб борди.

Улар қайтиб келар эканлар, бундан ҳам қийинроқ аҳволга дуч келишди. Бу вақт кучли шамол эсиб, қор тўзони бошланди. Шунда машина юрмай қолди, икки кишига битта тужурка блан кабинкада тунашга тўғри келди. Эрталаб кузовигача қор босган машина трактор ёрдамида қўзғотилди.

Бу — Тошкентдаги республика авиасанитария станцияси ходимларининг оғир иш шароитини кўрсатучи жуда кўп мисоллардан бири, холос.

Диспетчер бирор хабар эшитган заҳотиёқ дарров рўйхатга қарайди: бугун врачлардан ким навбатчи, ёки пойтахтнинг медицина муассасаларидан қайбири авиасанитария станциясига ёрдам бериши лозимлигини аниқлайди. Тезда командировка гувоҳномаси тўлдирилади. Хуллас, беморга «ҳаво тез ёрдами»ни уюштириш учун бу ерда ҳарбир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Беморларга медицина ёрдамини тезроқ уюштириш учун станциядаги врачларга ҳамма зарур шароитлар яратиб берилган. Мана, ҳамма қон группаларининг запаслари солинган холодильник, хирургия асбоб-ускуналари қўйилган ва ғоят эҳтиётлик блан сақланучи катта шкаф. Борди-ю сафар ноқулай об-ҳаво шароитларига тўғри келиб қолса, бу ерда иссиқ кийимлар ҳам бор. Агар зарур бўлиб қолса врач ўзи блан сафарга кўчма лабораторияни ҳам олиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, врач то беморнинг аҳволи яхшиланмагунча уни қолдириб кетмайди. Яна шу нарса ҳам характерлики, зарур бўлиб қолган тақдирда ҳарбир медицина ходими, унинг кимлигидан қат'ий назар, истаган жойига авиасанитария хизматидаги врачни чақираолиши мумкин. Фақат бизнинг совет мамлакатимизагина инсон саломатлиги тўғрисида мана шундай катта ғамхўрлик қилинади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Республика авиасанитария станцияси бир минг кишидан ортиқ беморга хизмат қилди. Самолетда 1300 га яқин учиш бўлди. «Ҳаво тез ёрдами»нинг врачлари ўтган йилнинг ўзида 3 минг соатдан ортиқроқ вақтни ҳавода ўтказдилар. Бу ерда турли ихтисосдаги врачлар коллективи хизмат қилади. Борди-ю станция штатида бирор ихтисос бўйича мутахассис бўлмаса, ёки юқори малакали медицина ёрдами керак бўлиб қолса, у вақтда чақирилган жойга даволаш ишининг йирик мутахассислари ҳам жўнаб кетаверадилар. Жумладан, ўтган йили Тошкентда чақирилган СССР Медицина Академиясининг сессияси вақтида унинг кўпгина иштирокчилари тез медицина ёрдами бериш учун республиканинг область ва районларида бўлдилар. Машҳур терапевт, профессор Руднев, бактериолог, профессор Тимаков, педиатрлар блан даволаш усулларини топишда кўпгина хизмат қилган профессор Ермолаева ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Республика авиасанитария станцияси орқали медицина муассасаларига ҳам кўпгина оталик ёрдами кўрсатилади. Ойига камида икки мартадан турли ихтисосдаги врачлар бригадаси районларга жўнатилиб турилади. Улар жойлардаги медицина муассасаларининг ишини қартомонлама текширадилар, у ерлардаги медицина кадрлари, даволаш ишларининг қўйилиши, медицина ҳужжатларининг аҳволи ва ҳоказолар блан танишадилар. Жойларда илмий конференциялар ҳам ўтказилади, палаталарни обход қилишнинг намуналари кўрсатилади, намунали хирургия операциялари ўтказилади. Кейин врачлар бригадаси жойларда меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш ишини янада яхшилашга қаратилган хулоса ва амалий таклифларини баён қилиб юқори медицина ташкилотларига доклад ёзадилар.

М. ПЕТРОВ.

Суратда: 1 (доирада). Республика авиасанитария станциясининг диспетчерскаясида навбатчилик қилучи врач ўртоқ **А. А. Андреева** беморга ёрдам кўрсатиш учун Сирдар'ё район касалхонасига мутахассис врач юбориш тўғрисида хабар олди. 2. Станция ходимларидан: (чапдан) пилот **В. Мальков**, врач гениколог **В. С. Канатьева** ва врач терапевт **М. М. Шефталович** ўртоқлар муҳим медицина топшириғи блан сафарга учиш олдидан.

В. Салов фотоси.

Тошкентда

Яқинда Тельман номли паркка ўз тарбиячилари раҳбарлигида Куйбишев районидаги 32-нчи болалар боқчасида тарбияланучи бир тўда эркатойлар келдилар. Улар баҳаво паркнинг салқин ва теп-текис аллеяларида, шу ердаги болалар майдончасида кўнгилли дам олиб яйрадилар. **Суратда:** Эркатойлар паркдаги фонтан ёнида.

В. Володин фотоси.

Жаҳон демократик ёшлар ва студентлар фестивали шарафига

Тошкент рассомлари Жаҳон демократик ёшлар ва студентлар фестивалига бағишланган балиий виставкага пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Рассомлардан Ю. Елизаров, Р. Аҳмедов, Т. Оганесов ва бошқалар жаҳон ёшларининг энг яхши орзу-умидларини, совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг миллий маданияти ҳамда бахтли ҳаётини акс этдируучи асарлар яратиш устида ишламоқдалар.

СССР Фанлар академиясининг Суриков номидаги Москва тасвирий сан'ат институтида та'лим олган ва ҳозир П. П. Беньков номидаги Тошкент рассомлар мактабида ўқитучилик қилаётган рассом Ю. Елизаровнинг бадиий композицияси айниқса диққатга сазовордир. Унинг шу кунларда ишлаётган полотноси «Оиланинг дам олиши» деб аталади. Бунда рассом жонажон ўлкамизнинг гоят шинам, гўзал бир жойини тасвирлаган. Шу ерда бутун бир оила дам олмоқда. Суратда оилалаги аҳлик, шод-хуррамлик, ота-онанинг ўз болаларига бўлган муҳаббати яққол кўзга ташланади. Бу полотнода жаҳон ёшларининг атом уруши хавфига қарши, тинчлик учун, фаровон ҳаёт учун олиб бораётган кураши акс этдирилган.

Репин номидаги Ленинград бадиий институтида та'лим олиб қайтган ёш рассом Зеликовнинг «Тинчлик баҳори» номли картинаси, Островский номидаги Тошкент театр-сан'ати институтининг ўқитучиси ёш рассом Р. Аҳмедовнинг ёшларнинг қаҳрамонона ишлари ва ҳунар мактабини тамомлаб чиққан ёш ишчининг дастлабки амалий қадамлари тўғрисидаги бадиий полотноси ҳам э'тиборни жалб этади.

Автомашиналарни комиссион сотиш

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг Ташпромторг автомобиль магазини ҳузурида комиссион бўлими очилди.

Ҳарқандай енгил автомашина эгаси комиссион матазинга ўз машинасини топшираолади. Автомашинани комиссия кўриб, унинг қанчалик эскирганлиги, қанча йўл босганлиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда, машина эгаси блан келишиб ма'лум баҳо белгилайди. Агарда автомашина 15 кун ичида сотилмаса, у тақлирда қайтадан баҳолаш ўтказилади. Автомашина сотилгандан кейин комиссион магазин унинг эгасидан 7 процент (қўйилган баҳога нисбатан) миқдорида ҳақ олади.

Харидор сотиб олган автомашина Давлат автоинспекцияси томонидан магазининг ўзида қайта регистрациядан ўтказилади.

Нон заводларини реконструкциялаш

Тошкентдаги 6-нчи нон заводини реконструкциялаш ишлари тугалланди. Бу заводда гижда ва обиноолар таёрланади. Заводга ҳамир тақсимловчи агрегат ўрнатилди. Бу — ишчиларнинг қўл меҳнатини анча камайтиради ва нонларнинг сифатини яхшилайди.

Шунингдек 14-нчи нон заводи ҳам бутунлай реконструкция қилинмоқда. Бундаги печьлар қайтадан қурилмоқда, янги ҳамир қоручи машиналар ўрнатилмоқда, иккита поток линияси монтаж қилинмоқда.

Заводни реконструкциялаш иши шу йил июнь ойида тамомланади. Шундан кейин бу завод суткасига 50 тоннагача нон пишириб чиқараолади.

Минерал сувлар каталоги

Бизнинг мамлакатимизда минерал сувлар блан даволайдиган кўпгина муассасалар бор. Минерал сувлар тури 40 га яқиндир. Медицина фани фақат курорт сувларигина эмас, балки шишаларда сотиладиган минерал сувлар ҳам кишиларнинг соғлиғи учун катта фойда келтиришини аниқлади. Минерал сувлар ошқозоннинг яхши ишлашига ва моддалар алмашинувига катта ёрдам беради.

СССР Савдо министрлиги томонидан нашр этилган «Минерал сувлар каталоги»да мана шу масалалар атрофлича ҳикоя қилинади. Каталогдаги минерал сувлар, қардош Совет республикалари бўйича классификация қилинган.

Каталогдаги бўлимлардан бири Тошкент минерал сувларига бағишланган. Унда ҳарқайси минерал сувнинг манба'и батафсил характерланади, сувдан фойдаланиш ҳақида кўрсатмалар ва ба'зи минерал сувларнинг химиявий анализи берилган.

Илмий-оммабоп китобларга қизиқиш

Тошкент Сталин район кутубхонасига кўпгина плакатлар осиб қўйилган. Бу плакатларнинг кўпчилиги табиий-илмий билимларни пропаганда қилишга бағишланган. «Қуёш ва ойнинг тутилиши нимадан бўлади», «Одам Ерга қаердан келган», «Ерни нима тутиб туради» каби плакатлар ана шулар жумласидандир.

Кутубхонага келганлар ҳамавақт ана шу плакатларни тамоша қиладилар ва кўпгина китобхонлар кутубхоначининг олдига келиб, ундан табииёт фанига оид бирор китоб топиб беришни илтимос қиладилар.

Масалан, «Узремвес» конторасининг инженери ўртоқ Юрков ўз қизи Светланага академик Павловнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги бадиий повестьни ва Шаровнинг вабо касалини тарқатучи микробларга қарши кураш тўғрисида ёзилган «Ҳаёт енгади» деган китобини олган. Мана шу китобхон яна уйқу ва туш кўриш тўғрисидаги брошюрани ҳам олган.

Сталин район ижроия комитетининг бухгалтери ўртоқ Шнейдер машҳур рус врачи ва табииётшуноси Пирогов тўғрисида ёзилган китобни ўқиб чиққан. Кутубхона а'зоси, мактаб ўқучиси В. Қутлибоев эса олим ва ёзучи академик Обручевнинг «Санников ери» номли китобини ўқиган.

СПОРТ

Енгил атлетикачилар мусобақаси

Тошкентда Ўзбекистон ССР шаҳарлари спортчиларининг енгил атлетика бўйича традицион мусобақалари тамом бўлди. Мусобақаларда Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон шаҳарлари ва Тошкент областининг 96 спортчиси қатнашди.

Уч кун давом этган мусобақа якунида Тошкент шаҳар енгил атлетикачилари биринчи ўринни эгалладилар. Улар 18 минг 236 очкога эга бўлдилар. Андижон спортчилари 11.520 очко блан иккинчи ва фарғоналилар 11.130 очко блан учинчи ўринни олишга эришдилар.

Тошкент командаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг биринчи даражали дипломи блан мукофотланди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Бешёғочдаги янги бинода) — 27, 28/IV да янги спектакль **Азиз ва Санам.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 27/IVда 3 бўлимда **цирк тамошалари.** РСФСРда хизмат кўрсатган артист **М. Н. Туганов** раҳбарлигида **«Донда» деган чавандозлик-спорт аттракционининг сўнгги кунлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Азиз дўст.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да ҳужжатли фильмлар: **1) Ҳинд сан'ати усталари, 2) Грузия давлат рақс ансамбли.**

НАВОИЙ номли — кундуз соат 12 гача **Ўнучлар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Сибирь ерлари ҳақида қисса.**

«ВАТАН» — **Азиз дўст.**

«ХИВА» — **Довул.**

ПУШКИН номли — **Катта оила.**

«УДАРНИК» — **Тирик мурда** (иккала серия).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 04825. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1421.